Туристу больше не придется судить о предстоящей поездке по отзывам других людей. Используя систему виртуальной реальности типа Oculus Rift VR от американского стартапа Oculus VR, можно получить уникальную форму 3D-демонстрации будущего отдыха. Каждый, не покидая дома, сможет прогуляться вдоль залитого солнцем берега Коста-Рики или "побывать" в своем будущем номере в отеле.

Благодаря таким разработкам, как Tectile от японской Tachi Lab, можно будет в точности ощутить фактуру песка с далекого морского пляжа. Кстати, подобные возможности станут доступны и на борту самолета, где с помощью персонального голографического медиацентра и сенсорных перчаток можно будет пожать руку бизнес-партнеру или обнять детей, которые находятся за сотни километров.

Если раньше дорога в аэропорт и ожидание вылета были утомительной необходимостью, то в скором времени они станут полноценной частью приключения. В такси будущего можно будет выходить в интернет и открывать сайты на 3D-мониторе, и все это – при помощи жестов и голосового управления. Общение по Skype с семьей и друзьями не даст заскучать в пути.

В дополнение к сервису во время полета будет доступен краткий языковой курс, а также широкий выбор развлече-

ний через Wi-Fi. Еще одним нововведением может стать система интерактивного взаимодействия с обслуживающим персоналом, с помощью которой пассажиры смогут связаться со стюардом по любому поводу: от просьбы принести стакан воды или плед до оказания первой медицинской помощи. Сервис поможет сократить количество перемещений бортпроводников по салону.

По словам соучредителя The Future Laboratory Мартина Рэймонда, все эти инновации вписываются в общий тренд так называемого "интернета вещей", суть которого в том, что все больше и больше устройств в следующие десять лет будут подключены к интернету и друг к другу: холодильник будет в курсе, надо ли покупать продукты, а стиральная машина сама выставит настройки под вид ткани и загрязнения.

В сфере туризма стремительное развитие "интернета вещей" проявится особенно ярко: уже скоро персональные гаджеты и продвинутые технологии, установленные в аэропортах и на борту самолетов, в своем взаимодействии будут способны полностью организовать путешествие, пока турист наслаждается прогулкой по цветущему саду умного города (аэропорта) или смотрит любимый фильм.

В заключение можно до-

бавить, что преимущества использования технологий в том, что в то время как алгоритмы могут сканировать большие объемы информации и извлекать из нее необходимые данные, средства искусственного интеллекта могут применять прогнозные аналитические алгоритмы для идентификации шаблонов в этих наборах данных, что обеспечит для туристических компаний быструю и эффективную доставку продуктов и услуг, а также максимально удобный опыт осуществления операций как по цифровым, так и не цифровым каналам для "приобретения" новых клиентов.

Таким образом, возможным решением, которое объединяет в себе эти тенденции, может стать смартфон с собственной операционной системой, который позволяет гостю исследовать услуги аэропортов, отелей, моментально заказывая их, коммуницировать с сотрудниками, использовать социальные сети, приложения, сервисы заказа такси, доставки и т.д.

Стандарты индустрии формировались четыре столетия. Необходимо поддерживать высокое качество сервиса, ни в коем случае не исключая личное общение с гостем – этому нет альтернативы. Но следовать тенденциям нужно, ведь сервис сегодня – новые стандарты завтра.

ABSTRACTS

TRENDS IN TOURISM DIGITIZATION: A NECESSITY AND A REGULARITY

According to the authors of the article, the global digitalization of the world economy is a prerequisite for the development of e-commerce, in particular the tourism sector. The methods of interaction between service providers and consumers have changed. The introduction of digital technologies contributes to the development of independent tourism, which is becoming more and more popular with every year.

РОЛЬ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЕ УЗБЕКИСТАНА

А. ШЕРМУХАМЕДОВ,

ассистент кафедры
“Корпоративное
управление”,
Ташкентский
государственный
экономический
университет

Также возможно снижение производственных затрат и энергопотребления за счет внедрения передовых технологий переработки сырья, повышения качества банковских услуг, предоставляемых физическим и юридическим лицам, и внедрения различных ин-

На современном этапе, в условиях пандемии перед экономикой стоят серьезные задачи: укрепление макроэкономической стабильности, обеспечение ценовой стабильности в рыночных отношениях и низкой инфляции, эффективное использование бюджетных средств, снижение бюджетного дефицита и налоговой нагрузки за счет дополнительных возможностей и ресурсов, расширение налогооблагаемой базы.

новационных видов современных банковских услуг, ускоренного развития цифровой экономики. Одна из

самых актуальных проблем – использование цифровых технологий, ликвидация теневой экономики.



Для решения данных задач важно следующее. Во-первых, важное значение сегодня имеет рациональное использование современных информационных технологий в контексте совершенствования денежно-кредитной политики страны для обеспечения сбалансированности цен на товары и услуги, темпов роста ВВП. Также необходимо предотвращать риски нестабильности цен и инфляции путем использования рыночных инструментов денежно-кредитной политики в секторах экономики страны, осуществления благоприятной процентной политики и постоянного контроля над ключевыми ставками, проведения операций с государственными ценными бумагами. Целесообразно создать единую площадку для размещения свободных средств коммерческих банков в казначействе для предоставления гражданам информации о характере и целях режима таргетирования инфляции, условиях его реализации, положительных эффектах и сроках.

Во-вторых, необходимо предупреждение, выявление, предотвращение нарушений за счет целевого использования бюджетных средств и государственного имущества, усиление норм, направленных на сокращение дефицита бюджета, использование современных информационно-коммуникационных техноло-



гий и международных стандартов финансового контроля, в связи с чем планируется разработать законопроект "О государственном финансовом контроле".

В-третьих, для обеспечения прозрачности экономики страны, создания благоприятного инвестиционного климата для предпринимателей и инвесторов и благоприятной налоговой среды для развития инновационного предпринимательства и капитальных вложений, необходимо вести целенаправленную борьбу со "скрытой" экономикой, уделять особое внимание прозрачности налогового администрирования, уменьшению и упрощению налоговой нагрузки.

На основе этого должна быть разработана стратегия обеспечения полной прозрачности в налоговой сфере, развития современных программных информационно-коммуникационных технологий, сег-

ментации налогоплательщиков, осуществления налогового контроля, полностью исключющего человеческий фактор.

Будут внедрены контрольно-кассовые онлайн-аппараты, виртуальные кассовые аппараты, обработка данных электронных счетов и автоматизация налогового администрирования на их основе, аналитические модели обработки данных Business Intelligence на базе архитектуры Big Data.¹ Необходимо расширение услуг, предоставляемых налогоплательщикам через личный кабинет, а также услуг по сбору информации о налогоплательщиках через коммерческие банки и другие организации в рамках проекта "Надежный партнер", использование упрощенных программных продуктов и услуги "Ваш электронный бухгалтер" для помощи налогоплательщикам в исчислении и отчетности по налогам.

¹ Темиров А.А. Ўзбекистон Республикасида инвестицион фондлар фаолиятини ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари. Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришда инвестиция фондларининг жозибадорлигини ошириш. Республика илмий-амалий конференцияси мақола ва тезислари тўплами. – Т.: 20.04.2020 й. – 417–419 б.



Во избежание уклонения от уплаты налогов, которое сложно устранить не только в нашей стране, но и в мировой экономике, и с целью устранения подпольной деятельности, будет утверждена программа анализа и борьбы с факторами "скрытой экономики" с участием зарубежных экспертов. А также необходима своевременная и полная реализация проекта "Цифровая маркировка и онлайн-касса", совершенствование процедуры идентификации субъектов в сфере электронной коммерции, развитие системы электронного учета "Электронный склад", обеспечение подготовки электронных отчетов по импортным товарам.

С развитием технологии блокчейн за счет использования блокчейна в финансово-экономической сфере возрос интерес к нему государственного и частного секторов, и начались исследования по его использованию в различных областях – от государственного управления до финансовых систем.

Ученые выделили две основные проблемы при использовании технологии блокчейн:

- *обеспечение пропускной способности сети для работы блокчейн;*
- *полное сохранение информации о транзакциях в сети.*

Предлагается несколько вариантов решения этих проблем. Например, путем сохранения не всех данных, а только имени блока и некоторых определенных дополнительных данных (решение Rollerchain портала Scorex с открытым блокчейном) или путем изменения топологии сети, то есть путем создания дополнительной "легкой" роли клиента в сети. При этом

транзакции совершаются в аналогах банковских счетов только для одного блокчейн-аккаунта.

С 2016 года популярность биткойнов и криптовалют в глобальной банковской системе возрастает. Банки демонстрируют двойственное отношение: с одной стороны, они не признают существование биткойна и институционализацию этой криптовалюты, с другой стороны, они проводят исследования по использованию порталов блокчейн для повышения эффективности своих транзакций. В Японии, например, формируется консорциум блокчейнов для улучшения качества финансовых транзакций, таких как обмен валюты и конверсионные операции несколькими банками.

ABSTRACTS

ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN THE FINANCIAL SYSTEM OF UZBEKISTAN

At the present stage, in the context of the pandemic, the economy faces serious challenges: strengthening macroeconomic stability, ensuring price stability in market relations and low inflation, effective use of budget funds, reducing the budget deficit and tax burden through additional opportunities and resources, expanding the tax base. This article discusses the role of the digital economy in the financial system of the country.

ХОРИЖИЙ КАПИТАЛ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИ ОШДИ

Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, республикада хорижий капитал иштирокида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг сони 1525 тани ташкил этди.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 декабрь ҳолатига республикада рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони 12,1 мингтани ташкил этиб, улардан 11,6 мингтаси фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1391 тага ошган.

Хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони қуйидагича:

- Россия – 2075 та;
- Хитой – 1794 та;
- Туркия – 1544 та;
- Қозоғистон – 912 та;
- Корея – 876 та.

Маълумот ўрнида, янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг соҳалар бўйича сони қуйидагича:

- Савдо – 462 та;
- Саноат – 422 та;
- Қурилиш – 169 та;
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 115 та;
- Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 59 та;
- Ахборот ва алоқа – 51 та.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО СОҲАСИГА ДОИР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни инвестициялар ва ташқи савдо соҳасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда 2021 йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Коронавирус пандемияси бутун дунё иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, экспорт ва инвестиция жараёнларида турли қийинчиликлар юзага келди.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олдиндан кўрилган чоралар ўз натижасини берди. Жорий йилда 6,6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ўзлаштирилди. Шунингдек, йил якуни бўйича 15 миллиард долларлик экспорт амалга оширилиши кутилмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари 2021 йил ҳам иқтисодиёт учун осон бўлмаслигини, шу боис инвестициялар жалб қилиш, ўзлаштириш ва экспорт прогнозларини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳозирданок аниқ, манзилли чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

Келгуси йили 7,5 миллиард доллардан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мақсад қилинган. Йиғилишда ушбу маблағни ҳар бир лойиҳа бўйича тўлиқ ва муддатда ўзлаштириш чоратадбирлари белгиланди. Бундай сармоялар ҳисобига 226 та йирик лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича аниқ чораларни кўриш топширилди.

Шунингдек, 69 та истиқболли янги саноат лойиҳасини сифат-

ли амалга ошириб, иқтисодиёт ўсишига қўшимча захира яратиш вазифаси қўйилди.

Бунда асосий драйвер соҳалар бўлган кимё, энергетика, машинасозлик, геология, электротехника, фармацевтика ва енгил саноат тармоқларига алоҳида эътибор қаратилади.

1 январдан бошлаб, халқаро молия институтлари кредит маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича янги тизим жорий этиш, ҳар бир лойиҳада белгиланган маблағларни самарали ўзлаштириш ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида “Лойиҳа офислари” раҳбар ва ходимлари малакасини ошириш ва уларни ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

Келгуси йили экспорт ҳажми 17 миллиард доллар атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга экспорт шартномаларини ҳозирданок тузиш, 1 январдан Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан экспорт олди молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Инвестициялар ва ташқи савдо вазири ҳамда унинг ўринбосарлари ушбу вазифаларни бажариш бўйича режалари юзасидан ахборот берди.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти president.uz

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ 2021 ЙИЛ ВА 2022-2023 ЙИЛЛАР ДАВРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 22 октябрдаги йиғилишида “Пул-кредит сиёсатининг 2021 йил ва 2022-2023 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари” дастлабки лойиҳаси концептуал жиҳатдан тасдиқланган эди.

Ушбу дастлабки лойиҳа Марказий банк расмий веб-сайтида жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Кенг жамоатчилик, Марказий банк бошқарувининг мустақил аъзолари ҳамда таркибий бўлинмалари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда такомиллаштирилди ва тўлдирилди.

Марказий банк бошқарувининг 2020 йил 26 ноябрдаги йиғилиши билан “Пул-кредит сиёсатининг 2021 йил ва 2022-2023 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари”нинг якуний лойиҳаси тасдиқланди.

Пул-кредит сиёсатининг 2021 йил ва 2022-2023 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари Марказий банк томонидан келгуси йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуини ўзида акс эттириб, таркибида ташқи ва ички макроиқтисодий вазиятларнинг ўзгариши шароитида соҳада кўриладиган чоралар, қўлланиладиган тамойил ва инструментларни қамраб олган.

Асосий йўналишларни ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонунида Марказий банк олдида нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўйилган мақсадлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида пул-кредит сиёсатини инфляция таргетлаш режими стандартларига мувофиқлаштириш, инфляциянинг 2021 йилда 10 фоиздан паст ва 2023 йилда 5 фоизлик таргет кўрсаткичига эришиш бўйича вазифалардан келиб чиқилган.

2020 йил мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти учун жуда мураккаб йил бўлди. Глобал пандемия таъсирида бошланган инқироз ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви



ҳамда талаб ва таклиф тебранишларининг бир пайтда содир бўлганлиги билан ўзига хос давр ҳисобланади.

Бунда жаҳон иқтисодиётида ва мамлакатимизнинг ташқи савдо ҳамкорларида иқтисодий фаолликнинг кескин сусайиши, хомашё нархларининг тушиб кетиши ва молия бозорларидаги беқарорлик фонида иқтисодий пасайиш тенденциялари кузатилмоқда.

Пандемиянинг давом этаётганлиги ва унга қарши кўрилаётган чоралар иқтисодиётларга турли даражада тебраниш ва таъсир кўрсатмоқда, иқтисодий истиқболларни баҳолаш ва макроиқтисодий кўрсаткичларни прогностлаштиришни маълум жиҳатдан қийинлаштирмоқда.

Мазкур ноаниқликлар даражаси ва таъсир каналлари хусусиятларини инобатга олиб, макроиқтисодий ривожланиш прогнозлари 3 хил – асосий, тезкор иқтисодий тикланишга (оптимистик) ва ташқи иқтисодий хатарлар кучайишига асосланган (хатарли) муқобил сценарийлар асосида ишлаб чиқилди.

Шу нуқтаи назардан, макроиқтисодий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, коронавирус пандемиясининг иқтисодиётимизга ҳамда ташқи савдо ҳамкорлар иқтисодиёти ва асосий экспорт товарларимиз нархларига таъсирлари, шунингдек, потенциал ишлаб чиқариш даражасининг ўзгаришларини инобатга олишга ҳаракат қилинди.

Макроиқтисодий ривожланишнинг асосий сценарийсида пандемия билан боғлиқ вазият босқичма-босқич яхшиланиб бориши бўйича кутилмалар, аҳоли ва бизнес вакиллари ўз фаолиятларини пандемия ва ундан кейинги шароитларга мослашган ҳолда давом эттиришлари асосий шартлардан қилиб олинган ҳамда ташқи савдо ҳамкорлар иқтисодиётининг бир маромда тикланиши ҳисобига ташқи талаб 2022 йил II ярим йиллигидан инқироздан олдинги даражасига етади.

Мазкур сценарий доирасидаги ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари 2021 йил охирида инқироздан олдинги кўрсаткичларга яқинлашади, 2023 йилнинг I ярим йиллигига келиб эса иқтисодиёт ўзининг потенциал даражасигача тикланади. Бюджет даромадлари тиклана бориб, 2023 йилда йиғма бюджет дефицити (ЎТ-

ТЖ харажатларини ҳисобга олмаганда) 2,5 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда. Таркибий ислохотлар давом эттирилиб, тартибга солинадиган нархлар эркинлаштирилиши жараёни 2022-2023 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Асосий сценарийга мувофиқ, пул-кредит сиёсатининг жорий “нисбатан қатъий” шароитлари 2021 йил охирига қадар сақланиб қолади. Айни пайтда, 2022-2023 йилларда тартибга солинадиган нархлар ўзгариши, инфляция даражаси ва прогнозлар траекториясидан келиб чиқиб пул-кредит сиёсати шароитларига тузатишлар киритилади.

Макроиқтисодий ривожланишнинг иқтисодиётнинг тез тикланишига асосланган муқобил (оптимистик) сценарийси пандемия билан боғлиқ вазиятнинг нисбатан тезроқ суръатларда яхшиланиши, келгусида карантин чораларининг жорий этилмас-

лиги ҳамда жаҳонда вирусга қарши вакцина ва дорилар 2021 йилнинг II ярмидан кенг татбиқ қилиниши шароитларини ўз ичига олади.

Ушбу сценарийда асосий савдо ҳамкорлар иқтисодиётининг бир маромда тикланиши ҳисобига ташқи талаб 2021 йил II ярим йиллигида инқироздан олдинги даражасига етиши ва жаҳон иқтисодиёти тикланиб боргани сари олтин нархининг пасайиб бориши прогноз қилинмоқда.

Ушбу сценарий шароитида ички иқтисодий фаоллик ва ялпи талаб 2021 йил ўртасида инқироздан олдинги даражага яқинлашиши, иқтисодиёт ўзининг потенциалига 2022 йилнинг охирида етиши кутилмоқда. Бунда асосий сценарийдан фарқли равишда, транспорт, хизматлар ва туризм соҳаларида ҳам ўсиш суръатлари жонланади.

Иқтисодий фаолликнинг тикланишига мос равишда



давлат бюджети даромадлари нисбатан юқори суръатларда ўсиб бориши ва йиғма бюджет дефицитининг 2022 йилда 2 фоизгача қисқариб бориши прогноз қилинмоқда. Айти пайтда, тартибга солинадиган нархлар эркинлаштирилиши жараёнининг 2022-2023 йилларда мантиқий якунига етказилиши ва ушбу соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан қилиб олинган.

Оптимистик сценарийда белгиланган шартлар рўй берган тақдирда, пул-кредит сиёсатининг амалдаги “нисбатан қатъий” шароитлари сақланиб қолади. Бунда 2021-2022 йилларда инфляция даражаси асосий сценарийга қараганда бироз пастроқ даражада шаклланади. Бу эса, ўз навбатида, пул-кредит сиёсати шароитларига жиддий ўзгаришлар киритмасдан инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

Макроиқтисодий ривожланишнинг ташқи иқтисодий хатарлар кучайишига асосланган муқобил (хатарли) сценарийси жаҳонда пандемия билан боғлиқ вазиятнинг кескинлашиб бориши ва “глобал ёпилиш” 2021-2022 йилларда ҳам давом этиши эҳтимолларини кўзда тутди.

Ташқи савдо ҳамкорлар иқтисодиётининг секинроқ суръатларда тикланиши,



ташқи талаб даражасининг фақатгина 2023 йил II чорагига келиб инқироздан олдинги даражасига етиши ва хавфсиз актив сифатида олтин нархида ўсувчи динамиканинг сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда.

Хатарли сценарийда ички иқтисодий фаоллик ва ялпи талаб фақатгина 2022 йилнинг охирига келиб инқироздан олдинги даражага яқинлашиши, 2023 йил охирига бориб иқтисодиёт ўзининг потенциал даражасига етиши ва бюджет харажатлари юқорилигича сақланиб қолиши шароитида йиғма бюджет дефицити 2021-2022 йилларда 6-7 фоиз атрофида шаклланиши прогноз қилинмоқда.

Мазкур сценарий шартлари юз берган тақдирда тартибга солинадиган нархлар эркинлаштирилиши жараёни 2023 йилга қолдирилиши эҳтимоли ошади.

Ушбу сценарийда талаб омиллари томонидан инфляцияга босим пасая-

ди, инфляциянинг прогноз траекториясидан пасайиш томонга оғиши пул-кредит шароитларини бироз юмшатиш имкониятини яратади. Шу билан бирга, 2020 йилда бўлгани каби, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва нархлар барқарорлигига эришиш мақсадлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун пул-кредит сиёсати инструментлари қўлланиб борилади.

Ўз навбатида, учала сценарий доирасида ривожланиш тенденциялари ва кутилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, 2021-2023 йиллар даврида амалга оширилаётган пул-кредит шароитлари белгиланади ва сценарийларга мос келадиган пул-кредит сиёсати инструментлари тўпламидан фойдаланилади. Бунда ҳар бир сценарий хусусиятлари, инфляцион характери ва омилларининг шаклланиши нуқтаи назардан баҳоланади ва шунга мос келувчи чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади.



Таъкидлаш лозимки, учала сценарий шароитида ҳам Марказий банкнинг инфляция даражаси 2023 йил охирида 5 фоизлик таргет доирасида бўлишини ҳамда банк ва тўлов тизимлари барқарорлигини таъминлаш бўйича доимий мақсадлари ўзгаришсиз қолади.

Операцион механизмни такомиллаштириш борасида 2 кундан 13 кунгача бўлган “тўғрилаш операциялари”ни банк тизимида ликвидликни бошқаришнинг мослашувчанлигини ошириш мақсадида жорий этиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, умумий ликвидликнинг банклараро пул бозорида самарали қайта тақсимланишини таъминлаш ва Марказий банкнинг ушбу соҳадаги ролини босқичма-босқич пасайтириб бориш кўзда тутилмоқда.

Келгусида Марказий банк облигациялари муддатларини қисқартирган ҳолда 3-6 ойлик даврга чиқариш режалаштирилган. Бунда облигациялар чиқарилишининг шаффофлигини янада оши-

риш, ҳар чорак бошида уларнинг жадвалларини эълон қилиб бориш ва банк тизимидаги ликвидлик ҳолатидан келиб чиқиб облигациялар ҳажмини олдиндан белгилаш механизмлари ишлаб чиқилади.

Ички валюта бозорини янада такомиллаштиришда валюта курсининг ички ва ташқи омилларга мослашувчанлигини ошириш, бозор иштирокчиларининг алмашув курсини белгилашдаги ролини ошириб бориш кўзда тутилган.

Янги коммуникацион сиёсатни амалга оширишда инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлари, пул-кредит соҳасида қабул қилинаётган қарорларнинг моҳияти ва операцион механизмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотлар кенг жамоатчиликка мунтазам равишда эълон қилиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, учала сценарийда ҳам ўрта муддатли истиқболда макроиқтисодий барқа-

рорликни таъминлаш ва юқори суръатли иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришиш кўп жиҳатдан келгуси йилларда таркибий ислохотларнинг самарали олиб борилиши, трансформация жараёнларининг жадаллаштирилиши ҳамда ички ва ташқи хусусий инвестицияларнинг иқтисодиётимизга кенгроқ жалб этилишига боғлиқ.

Бу, ўз навбатида, давлат корхоналарини ислох қилиш, иқтисодиётда рақобат муҳитини ривожлантириш, бизнес юритиш учун қулай институционал шароитлар яратиш ҳамда ялпи унумдорликни оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва амалий аҳамиятининг оширилиши билан чамбарчас боғлиқ.

Бунда амалга ошириладиган таркибий ислохотлар ва макроиқтисодий сиёсат соҳасида кўриладиган чораларнинг инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлари билан уйғунлигини таъминлаш вазифаси Марказий банкнинг диққат марказида бўлади.

2021-2023 ЙИЛЛАРДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Пул-кредит сиёсати операцион механизмини такомиллаштириш чоралари

Пул-кредит сиёсатининг операцион механизми инфляцион таргетлаш режими доирасида 2020 йил давомида янги инструментлар тўплами билан кенгайтирилди. Бу борада олдинда турган энг муҳим вазифалардан бири мазкур операцион механизм инструментларини ва пул-кредит сиёсати жараёнларини инфляцион таргетлаш режими стандартларига тўлиқ мослаштириш ҳисобланади.

Ушбу йўналишда банк тизими ликвидлигини тартибга солиш самарадорлигини ошириш, пул бозорида банкларнинг иштирокини янада фаоллаштириш, давлат қимматли қоғозлари билан иккиламчи савдоларни

кенгайтириш ва шу орқали трансмиссион механизмнинг фоиз канални ривожлантириш борасида қатор чораларни амалга ошириш режалаштирилган.

1. Ликвидлик таҳлили ва прогнозини кучайтириш. 2019-2020 йиллар давомида банк тизими ликвидлигини таҳлил ва прогноз қилишда янги услублар жорий қилинди. Умумий ликвидликка таъсир этувчи ҳар бир омилни чуқур ўрганиш, уларнинг кутилаётган таъсирини доимий маълумот алмашуви орқали самарали прогноз қилиш имконияти яратилди.

Келгуси даврларда эса ликвидликнинг автоном омилларини прогнозлашда

замонавий эконометрик моделларни қўллаш, ташқи субъектлар, шу жумладан, Молия вазирлиги билан ҳукумат операциялари бўйича маълумот алмашиш жараёнларини кучайтириш ва прогноз даврини кенгайтириш режалаштирилган.

Хусусан, ликвидликка таъсир этувчи ҳар бир омилдаги мавсумийлик ва маълум фундаментал трендларни аниқлаш бўйича ишлар такомиллаштирилади. Бунда омилларнинг узоқ муддатли фундаментал трендини аниқлаш учун эконометрик моделларни жорий этиш прогнозлар сифатини оширишга ва банк тизими ликвидлигини самаралироқ тартибга солишга хизмат қилади.

Шунингдек, ликвидлик прогнозида Молия вазирлиги билан ҳукумат операциялари бўйича, тижорат банклари билан нақд пулга ва валютага талаб бўйича, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан улар томонидан амалга оширилган операциялар бўйича доимий маълумот алмашиш жуда муҳим ҳисобланади. Келгусида доимий маълумот алмашиш тизими такомиллаштирилиб, маълумотлар сифати ва аниқлиги ошириб борилади.





2. Пул-кредит сиёсати операцияларини ўтказиш механизмларини янада такомиллаштириш. 2020 йилда пул-кредит операциялари орқали банк тизими ликвидлиги динамикасидаги тебранишлар камайтирилди, ликвидликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш самарадорлиги оширилди.

Келгуси йилларда амалга ошириладиган муҳим чоралардан бири Марказий банк томонидан пул-кредит операцияларининг фақат бир томонга қаратилган йўналишини белгилаш бўлади.

Шунингдек, бугунги кунда фақат 2 ҳафталик РЕПО, валютавий своп ва депозит аукционлари амалга ошириладиганлигини инобатга олиб, ликвидликни бошқаришда инструментларнинг мослашувчанлигини ошириш мақсадида 2 кундан 13 кунгача бўлган “тўғрилаш опера-

циялари”ни (‘fine-tuning’) жорий этиш режалаштирилган.

Ликвидлик прогнозидан келиб чиқиб ўтказиладиган аукционлар ҳажми ҳам доимий равишда банкларнинг талаб (тақчиллик) ва таклифидан (ортиқчалик) келиб чиқиб ўзгартириб борилади ва уларнинг ликвидликни бошқаришдаги аҳамияти оширилади.

Бундан ташқари, овернайт операцияларини амалга ошириш вақтига ҳам ўзгартириш киритиш режалаштирилган бўлиб, банкларнинг мавжуд ликвидликни, аввало, банклараро пул бозорида ўзаро самарали қайта тақсимлашларини рағбатлантириш ва Марказий банкнинг иштирокини босқичма-босқич камайтириб бориш мақсадларидан келиб чиқилади.

3. Марказий банк облигацияларининг ликвидликни

бошқаришдаги аҳамияти.

2020 йилнинг ўтган 9 ойи давомида Марказий банк томонидан чиқарилган 3,55 трлн. сўмлик облигациялар таркибий профицитни жалб этишда муҳим ўрин тутди.

Келгуси даврда Марказий банк облигациялари муддатини нисбатан қисқартириш ва асосан, 3-6 ойлик облигацияларни муомалага чиқариш режалаштирилмоқда. Бунда ҳар чорак бошида келгуси чорак учун чиқарилиш графигини эълон қилиб бориш ва банк тизимида шаклланди ликвидлик ҳолатидан келиб чиқиб мазкур ҳажмларни олдиндан ўзгартириб бориш муҳим бўлиб, банкларга ликвидликни самарали режалаштириш имконини беради.

Ўз навбатида, Молия вазирлиги томонидан давлат қимматли қоғозлари

асосан узоқроқ муддатга чиқарилишини рағбатлантириш, қисқароқ муддатли Марказий банк облигацияларининг мунтазам эмиссия қилиб борилиши даромадлар эгри чизиғининг қисқа муддатли қисмини шакллантиришга хизмат қилади.

4. Банклараро пул бозори фаоллигини ошириш. Пул-кредит сиёсати янги инструментлари жорий этилиши ва банклар томонидан ликвидликнинг самаралироқ бошқарилиши банклараро пул бозори фаоллашуви учун ҳам туртки бўлди. Хусусан, пул бозори операциялари ҳажми март ойидаги 1,4 трлн. сўмдан сентябрь ойида 6,6 трлн. сўмгача ошди.

Шунингдек келгуси йилларда банкларнинг пул бозоридаги фаоллигини янада ошириш, ҳар бир банкнинг ликвидликни пул бозоридан фойдалан-

ган ҳолда бошқаришини рағбатлантириш ва ликвидликнинг, биринчи навбатда, банклар орасида самарали қайта тақсимланишини ташкил этишга асосий эътибор қаратилади.

Банкларнинг ликвидликни ўзаро қайта тақсимлашини рағбатлантириш учун Марказий банк фоиз коридорини кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилиши ва бу орқали пул бозоридаги амалиётлар жозибдорлиги оширилиши мумкин.

Шунингдек, зарур ҳолларда мувофиқлашган сиёсат юритиш, хусусан, пул-кредит сиёсати ва пруденциал сиёсатларнинг самарали интеграциясини таъминлаш орқали пул бозорини янада ривожлантириш чоралари кўриб борилади.

5. Пул бозори индексини шакллантириш. Капитал ва молия бозорлари ривожланмаган бугунги кунда

пул бозори фоиз ставкалари индекси иқтисодиётда молиявий инструментлар нархини баҳолаш учун асосий “бенчмарк” вазифасини ўтамоқда.

Марказий банк томонидан банклараро пул бозори фоиз ставкаларини расмий веб-саҳифаси ва телеграм канали орқали кунлик эълон қилиш йўлга қўйилган бўлиб, келгусида пул бозори индексини шакллантириш ва доимий эълон қилиб бориш орқали иқтисодиёт субъектларига ресурслар нархи шаклланиши ҳақидаги сигналларни бериш кучайтирилади.

Ушбу йўналишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўмагида “Пул бозорини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи” ташкил этилган бўлиб, хорижий экспертлар иштирокида пул бозори индексини ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилмоқда.





Ички валюта бозорини ривожлантириш йўналишлари

Ички валюта бозорини ривожлантириш, шу орқали бозор тамойиллари асосида эркин шаклланивчи валюта курси сиёсатини юритиш пул-кредит сиёсатини инфляцион таргетлаш режимига ўтказиш доирасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Талаб ва таклиф асосида эркин шаклланивчи валюта курси эса, ўз навбатида, пул-кредит сиёсати мустақиллигини ошириб, унинг инструментлари орқали иқтисодиёт субъектлари қарорларига таъсир кўрсатиш имкониятини кенгайтиради.

2017 йил сентябрь ойидан бошлаб валюта бозори либерализацияси ва 2018 йилдан Марказий банк интервенцияларини амалга оширишда

“олтин-валюта захиралари нейтраллиги” тамойилининг киритилиши ҳамда валюта курсининг ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф асосида шаклланиши ушбу йўналишда эришилган ижобий ўзгаришлардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, ички валюта бозорини янада такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу йўналишдаги тадбирларнинг самарали амалга оширилиши валюта курсининг ички ва ташқи омилларга мослашувчанлигини ошириш имконини беради.

Натижада ташқи хатарлар шароитида валюта курси мазкур хатарлар таъсирини ўзига олиб (“risk absorber”), унинг иқтисодиётни

мувофиқлаштирувчи (“automatic stabilizer”) сифатидаги аҳамияти ортади.

1. Валюта курсини аниқлашда жорий фиксация қилиш (“fixing”)¹ усулидан давомли аукцион – “matching” усулига ўтиш.

Ўзбекистон ички валюта бозорида валюта савдолари “fixing” усулида ўтказилади. Аксарият ривожланаётган давлатлар, шунингдек, инфляцион таргетлаш режимини жорий этган барча давлатлар савдоларни давомли аукцион (“matching”) усулида амалга оширади.

Давомли аукцион усулида ички валюта бозорида валюта савдолари узокроқ муддат давом этади, операциялар сотиб олувчи ва сотувчиларнинг нархлари ўзаро мувофиқ келган буюртмалари бўйича турли курсларда

¹ Фиксация қилиш (“fixing”) усулида ички валюта бозорида сотиб олиш ва сотиш учун аризаларнинг умумий ҳажми мувоzanатини таъминлайдиган ягона курс белгиланади.

амалга ошириб борилади ва бозор иштирокчиларининг курсни аниқлашдаги аҳамияти ортади. Марказий банк ҳам бозорнинг бир иштирокчиси сифатида ўз интервенцияларини амалга оширади.

Мазкур усул валюта курси шаклланишида бозор таъминларини кенгроқ жорий этиш, унинг тўлиқ талаб ва таклиф асосида шаклланишини таъминлаш ҳамда макроиқтисодий шароитларга мослашувчанлигини ошириш имконини беради.

2. Ички валюта бозорида маркет-мейкерлик институти ривожлантириш. Бугунги кунда Марказий банк ички валюта бозорининг асосий иштирокчиси бўлиб, унинг валюта таклифини таъминлашдаги роли юқори ҳисобланади. Бироқ ички валюта

бозорини ривожлантириш жараёнида Марказий банк ролини босқичма-босқич камайтириш ва тижорат банкларининг маркет-мейкер (бозорни ташкил этувчи) ролини ошириш мақсад қилиб олинган.

Маркет-мейкерлар валюта бозорининг асосий иштирокчилари ҳисобланиб, бозор ликвидлигини оширишга ҳамда валюта таклифи ва талабини таъминлаш орқали мувозанатли валюта курсини аниқлашга ёрдам беради. Маркет-мейкерлик вазифасини бажарувчи банклар сонининг кўпайиши банклараро валюта бозори фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

3. Тижорат банкларининг валюта бозоридаги фаоллигини ошириш. Тижорат банкларининг ички валюта

бозорини янада ривожлантиришдаги, хусусан, валюта курсини аниқлашдаги ролини ошириш мақсадида тижорат банкларининг мижозлар номидан банклараро валюта савдосида қатнашиш амалиётидан воз кечиш ва уларга очиқ валюта позицияси доирасида чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш имкониятлари яратилади.

Давомли аукцион усулида тижорат банкларига очиқ валюта позициялари доирасида ички валюта бозорида хорижий валютани эркин сотиш ёки сотиб олиш имкониятининг берилиши уларнинг валюта курсини аниқлашдаги иштирокини рағбатлантиради ва мувозанатли валюта курси шаклланишига ёрдам беради.





4. Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги интервенцияларини такомиллаштириш.

Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги интервенциялари ҳам айнан иқтисодиётга тушиши лозим бўлган хорижий валютани тўлиқ ҳажмда валюта бозорига қайтаришга асосланган бўлиб, валюта курсининг фундаментал трендига таъсир этмаган ҳолда унинг тебраниш даражасини мувозанатлаштириш мақсадидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Келгуси йиллар давомида Марказий банк интервенцияларини такомиллаштириш, ички валюта бозорида талаб ва таклифни мувозанатлаштиришдаги ролини сақлаб қолган ҳолда валюта курсига таъсирини

минималлаштириш мақсад қилинган. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда халқаро экспертлар ва илғор хориж тажрибасидан келиб чиқиб, “Марказий банкнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган валюта интервенциялари стратегияси” ишлаб чиқилмоқда.

Стратегия ўз ичига Марказий банк валюта интервенцияларининг асосий тамойиллари, мақсад ва вазифалари, интервенция шакллари ҳамда у соҳадаги коммуникацион сиёсат жараёнларини қамраб олади. Бунда ички валюта бозорида амалга оширилаётган интервенцияларнинг ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни ойлик ва кунлик кесимда аввалдан эълон қилиб бориш, интервенцияларнинг валюта курсига

таъсирини минималлаштириш кўзда тутилган.

Шунингдек, ички валюта бозори мувозанатлилиги, молявий тизим барқарорлиги, трансмиссион механизм валюта курси каналининг самарадорлигини ошириш каби омиллар валюта сиёсати борасидаги мақсадларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари, валюта бозорини янада ривожлантириш доирасида “Валюта бозорида этика кодекси”ни қабул қилиш, шаффофликни ошириш, комиссия тўловларни стандартлаштириш, валюта мониторингини рақамлаштириш каби бир қатор чоратадбирлар белланган бўлиб, келгуси йиллар давомида босқичмабосқич амалга ошириб борилади.

Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмини такомиллаштириш йўналишлари

Марказий банк асосий ставкани ўзгартириш орқали иқтисодиётдаги фоиз ставкаларига ва молиявий активлар нархига таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг истеъмол, жамғарма ва инвестициялар бўйича қарорларида ўз аксини топади ҳамда товар ва хизматларга бўлган ялпи талаб ва таклиф орқали инфляция даражасига таъсир этади.

Пул-кредит сиёсати қарорларининг иқтисодиётга трансмиссияси бир неча каналлар орқали амалга ошади ҳамда инфляцион таргетлаш режимида фоиз канали асосий ўрин тутади ва бошқа каналларга (валюта курси канали, кредит канали, жамғарма канали, инфляцион кутилмалар канали ва бошқалар) ҳам сезиларли таъсирга эга бўлади.

Марказий банк пул-кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида унинг трансмиссион механизм каналлари орқали иқтисодиётга таъсирини атрофлича баҳолайди ҳамда таъсир этиш тезлиги, таъсир кучи ва йўналишларини инобатга олади.

Фоиз канали. Келгуси йилларда ҳам фоиз канали самардорлигини янада ошириш ва унинг ҳар бир бўғинини ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилади. Хусусан, юқорида келтириб ўтганимиз, операцион механизми такомиллаштириш орқали асосий ставка ўзгаришининг банклараро пул бозорига самарали ўтиши таъминланади.

Таъкидлаш жоизки, асосий ставка ўзгаришининг пул бозори фоиз ставкаларида акс этиши биров муддат талаб қилади ва 2020 йил давоми-

да асосий ставкани 2 мартаба пасайтириш натижасидаги кузатишларимиз бизнинг шароитда ушбу давр 1 ойгача давом этишини кўрсатди.

Пул бозорида банклар фаоллигини янада ошириш ва бунинг учун зарурий пруденциал норматив шароитларини таъминлаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Жумладан, 2020 йилнинг дастлабки ярим йиллиги давомида пруденциал нормативларнинг кучайтириб борилиши натижасида пул бозорида узоқроқ муддатли ликвид маблағларга талаб ортиб, улар бўйича фоиз ставкаларининг фоиз коридоридан сезиларли даражада юқorigа тебраниши кузатилди.

Каналнинг иккинчи бўғини, яъни пул бозори фоиз ставкаларининг иқтисодиётга ўтишида ҳам муаммолар мавжуд бўлиб, бу, биринчи навбатда, банк хизматларига бўлган юқори талаб, аҳоли



жамғармаларида ва кредит қўйилмаларида долларлашув даражасининг юқорилиги билан изоҳланади.

Узоқ йиллар давомида йиғилиб келган кредитларга бўлган талаб сўнги 2-3 йилда юзага чиқди ва бу, ўз навбатида, улар бўйича фоиз ставкаларининг ортишига ва пул бозори фоиз ставкаларидан тафовутининг (спред) кенгайишига олиб келди. Натижада юқори фоиз ставкалари инфляцион кутилмаларнинг шаклланишига салбий таъсири орқали инфляцияга босимни юзага келтирса, кредит ҳажмларининг юқори суръатларда ўсиши ялпи талабни ошириши орқали инфляцион жараёнларни тезлаштирмоқда.

Шу сабабли Марказий банк келгуси йилларда ҳам пул-кредит ва пруденциал сиёсатларни мувофиқликда қўллаш орқали кредит ҳажмлари ва улар бўйича фоиз ставкалари ўсишини мувозанатлаштириб боради.

Шунингдек, ўрта муддатли истиқболда ҳам банк депозитлари бўйича реал ижобий фоиз ставкаларининг таъминлаб борилиши ва валюта курсининг барқарор даражада шаклланиши ҳамда рақамли банк хизматларининг ривожлантирилиши орқали аҳоли жамғармаларининг босқичмабосқич банк тизимига кириб келиши ортиши кутилмоқда.

Умуман, фоиз каналининг ривожлантирилиши

фоиз ставкалари бўйича қарорларнинг иқтисодиёт субъектларига ўтиши орқали уларнинг қарорларида самаралироқ акс этади. Натижада ялпи талабнинг шаклланиши орқали инфляцияга бўлган босимларни пул-кредит сиёсати орқали назорат қилиш имконияти юзага келади.

Валюта курси канали. Капитал оқимлари эркин ҳаракатланадиган ва молиявий бозорлари етарлича ривожланган мамлакатларда фоиз каналининг валюта курси канали билан кучли боғлиқлиги кузатилади. Хусусан, фоиз ставкаларининг пасайиши мамлакатга капитал оқимининг камайишига сабаб бўлиб, валюта курси девальвациясини келтириб чиқаради.

Миллий валюта қадрсизланиши эса, ўз навбатида, экспортни қўллаб-қувватлаши ва импортни чеклаши нуқтаи назаридан пул-кредит шароитларини юмшатовчи ва иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи омиллардан ҳисобланади.

Бизнинг шароитда эса фоиз ва валюта курси каналларининг ўзаро боғлиқлиги нисбатан пастроқ бўлиб, молия ва капитал бозорлари етарли даражада ривожланмаганлиги, давлат қимматли қоғозлари бозорига норезидентларнинг кириши чекланганлиги сабабли фоиз канали таъсири фақатгина банк тизимида жалб этиладиган хорижий кредит линиялари оқимида таъсир кўрсатиши мумкин.





Шунингдек, фоиз ставкалари ўзгариши аҳолининг жамғариш кайфиятига, хусусан, жамғармаларнинг валюта таркибига сезиларли таъсир ўтказди. Жумладан, фоиз ставкаларининг аҳоли инфляция кутилмаларидан пасайиб кетиши жамғармалар долларлашувининг кучайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам пул-кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилишда Марказий банк 2-3 фоизлик ижобий реал фоиз ставкаларини таъминлаш чораларини кўриб боради.

Валюта курси канални такомиллаштириш йўлидаги чоралардан бири норезидентларга давлат қимматли қоғозлари бозорида қатнашиш учун рухсат бериш бўлиб, бунинг натижасида нафақат мамлакатга капитал оқими яхшиланади, балки бозор инфратузилмаси

ҳам ривожланади.

Бунда валюта хатарларининг олдини олиш мақсадида норезидентларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги улушини босқичма-босқич ошириб бориш ва зарурий рискни бошқариш ("hedging") инструментларини жорий этиш зарур ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодиётдаги пул-кредит шароитларига таъсир кўрсатишда, асосан, фоиз каналдан фойдаланилмоқда. Валюта курси канални таҳлил қилишда ички валюта бозоридаги талаб ва таклифнинг шаклланишидан келиб чиқиб реал самарали алмашув курси (РСАК) тренди ва ушбу тренддан оғиш каби индикаторларга эътибор берилди.

Ҳозирги валюта оқими шароитларида (жорий операциялар ҳисобварағининг юқори

тақчиллиги, инвестициялар ҳажмининг нисбатан камлиги) валюта курсидан қатъий пул-кредит шароитларини таъминлаш инструменти сифатида фойдаланиш Марказий банкдан қўшимча интервенцияларни амалга оширишни талаб этиб, ўрта муддатли истиқболда макроиқтисодий барқарорликка путур етказиши мумкин.

Шу сабабли РСАК ижобий тафовути табиий равишда, мамлакатга валюта оқими сезиларли даражада ошган шароитда ички валюта бозорида шаклланган талаб ва таклиф асосида юзага келиши лозим.

Бунда юқори баҳоланган валюта курси шароитида импорт нархларининг арзонлашиши инфляция даражасига пасайтирувчи босим беради. Бироқ бир вақтнинг ўзида бу экспортни чеклаши ҳам мум-

кин бўлиб, мазкур таъсир кучини аниқлаш учун келгусида экспорт таркибини таҳлил қилиш ва унга валюта курси таъсирини чуқур ўрганиш тақозо этилади.

Мамлакат экспортининг асосий қисмини хомашё экспорти ташкил этган шароитда валюта курси ўзгаришларининг экспорт ҳажмига кучли таъсири кузатилмайди. Шу сабабли ҳам келгуси даврларда иқтисодий ўсиш ва инфляция даражаси ўртасидаги мувозанатни таъминлаган ҳолда валюта курси каналдан дезинфляцион омилларни юзага келтиришда фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Бундан ташқари, нисбатан юқори баҳоланган валюта курси иқтисодиёт субъектлари инфляцион кутилмаларининг ҳам пасайишига сабаб бўлиб, инфляциянинг пасайишига билвосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, жамғармаларнинг доллар-

лашуви қисқариб, уларнинг банк тизимига қайтиши иқтисодиётда барқарор инвестицион ресурсларнинг шаклланиши орқали иқтисодий ўсишга туртки берувчи омилларни юзага келтиради.

Кредит канали. Маълумки, кредит канали фоиз канали билан кучли боғлиқликда бўлиб, фоиз ставкалари ўзгариши кредит ҳажмига ва у орқали иқтисодий ўсишга сезиларли таъсир кўрсатади. Бироқ юқорида келтириб ўтганимиздек, фоиз ставкалари ўзгаришининг кредитлар ўсиши суръатига таъсири бизнинг иқтисодиётимизда нисбатан паст бўлиб, бу сўнги йилларда юзага чиққан "инвестицион чанқоқлик", имтиёзли кредитлаш амалиёти ва кредитларнинг долларлашув даражаси билан боғлиқ.

Тадбиркорлик субъектларида мазкур боғлиқлик нисбатан кучлироқ сезилиб, фоиз ставкалари ортиши билан бизнес лойиҳалар рен-

табеллигининг пасайиши кредитларга бўлган талабни қисқартиради. Натижада иқтисодиётда ялпи талаб билан биргаликда ялпи таклифда ҳам қисқариш кузатилади.

Уй хўжаликларида эса, аксинча, кредитларга бўлган талаб ва инфляцион кутилмалар юқорилиги сабабли фоиз ставкалари ошишининг аҳолига бериладиган кредитлар ҳажмига таъсири пастроқ ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам, ушбу ўринда пруденциал норматив чораларини қўллаш, хусусан, кредитларнинг даромадларга нисбати ("Loan-to-Income" ratio) бўйича талабларни кучайтириш зарурияти юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги "Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони-





да барча имтиёзли кредитлар 2020 йил 1 январдан бошлаб Марказий банк асосий ставкасидан кам бўлмаган фоиз ставкаларида ва 2021 йил 1 январдан бошлаб бозор ставкаларида ажратилиши белгиланган.

Кредитларнинг долларлашув даражасини қисқартириш нисбатан узоқ муддатли жараён бўлиб, миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкалари пасайиб бориши ва валюта хатарини хеджирлаш инструментларининг кенг жорий этилиши билан боғлиқ.

Шунингдек, бугунги кунда хорижий валютадаги кредитлар, асосан, инвестицион лойиҳалар ҳамда товар ва хизматлар импортини молиялаштириш

учун ажратилмоқда ҳамда ялпи истеъмол таркибида маҳаллий ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар улушининг ортиб бориши ва хорижий инвестицияларнинг ошиши билан кредитлар долларлашувининг ҳам қисқариши тахмин қилинмоқда.

Инфляцион кутилмалар канали. Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмининг яна бир муҳим канали инфляцион кутилмалар канали бўлиб, иқтисодиётдаги ялпи истеъмол, жамғарма ва инвестициялар ҳажмини белгилашда муҳим ўрин тутди.

Инфляцион кутилмалар каналини ўрганиш мақсадида Марказий банк томонидан 2018 йилдан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион сезилма-

лари, кутилмалари ва уларни шакллантирувчи омилларни аниқлаш бўйича ойлик сўров ўтказилиши йўлга қўйилди.

2018-2020 йиллардаги сўров натижалари иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларнинг шаклланишида валюта курси ўзгариши асосий омиллардан эканлигини кўрсатмоқда. Келгуси йилларда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати коммуникациясини янада фаоллаштириш, инфляциянинг оралиқ мақсадларига эришиш орқали пул-кредит сиёсатига бўлган ишончни шакллантириб, кутилмаларни инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларига яқинлаштириш мақсад қилинган.

Инфляцион кутилмалар канали фоиз канали билан уз-

вий боғлиқликда бўлиб, фоиз ставкаларининг ўзгариши инфляцион кутилмаларга таъсир ўтказса, инфляцион кутилмаларнинг шаклланиши, ўз навбатида, иқтисодиётдаги депозит ва кредитлар бўйича мувозанатли (нейтрал) фоиз ставкаларини белгилаш учун асос бўлади.

Хусусан, юқори инфляцион кутилмалар сақланиб қолаётган шароитларда ва шу билан бирга фоиз ставкалари пасайган тақдирда аҳоли ўз маблағларини пастроқ фоизли депозитларга қўйишга интилишмайди ва натижада депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкаларининг пасайиши асосий ставка пасайишига мутаносиб бўлмаслиги мумкин.

Яъни инфляцион кутилмалар фоиз канали самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бўлиб, мазкур кутилмалар шаклла-

нишида инфляция мақсадли кўрсаткичларининг асосий омил сифатида ривожланиши фоиз канали самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, молия бозорларининг ривожланиши билан Марказий банк инфляцион кутилмаларни сегментларга ажратиб ўрганишни, хусусан, молиявий таҳлилчилар ва бозор иштирокчилари кутилмаларини ҳам фаол ўрганишни бошлайди.

Сабаби, айнан молия бозори иштирокчиларининг кутилмалари бозор инструментлари бўйича нархларнинг шаклланишига таъсир кўрсатиб, “активлар канали” орқали пул-кредит сиёсати қарорларининг иқтисодиётга самарали ўтиши таъминланади.

Шунингдек, банк тизимининг ҳам инфляцион кутилмаларини ўрганиш муҳим

бўлиб, айнан уларнинг кутилмалари кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли келгусида айнан банк тизими ходимлари орасида ҳам инфляцион кутилмалар бўйича сўровлар ўтказиб бориш режалаштирилган.

Коммуникация канали. Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми самарадорлиги кўп жиҳатдан иқтисодиёт субъектларининг банк тизимига, Марказий банкка ва миллий валютага бўлган ишончига боғлиқ. Мазкур ишончни оширишда эса коммуникация каналининг аҳамияти юқори ҳисобланади.

Каналнинг инфляцион таргетлаш режимига ўтишдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда Марказий банк томонидан коммуникация сиёсатини ривожлантириш, маълум-





мотлар очиклиги ва фаолият шаффофлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Марказий банк коммуникация сиёсатини ривожлантириш Стратегияси ва 2021-2023 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилади.

Биринчи навбатда пул-кредит сиёсати коммуникациясини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, келгуси йилларда ҳам Марказий банк Бошқарувининг асосий ставкани кўриб чиқиш бўйича ҳар бир йиғилиши яқунларига доир (йилда 8 мартаба) пресс-релиз эълон қилиш ва Марказий банк Раиси иштирокида пресс-брифинг ўтказиш амалиёти давом эттирилади.

Шунингдек, пул-кредит сиёсатининг инфляцион таргетлаш режими, унинг ўзига хосликлари ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ҳамда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар бўйича жамоатчиликка доимий маълумот бериб бориш режалаштирилган.

Хусусан, келгуси йиллар давомида аҳолининг кенг қатлами учун учрашувлар, таълим муассасалари ва банк тизими ходимлари учун семинарлар, оммавий ахборот воситаларида интервьюлар ташкил этиш ҳамда мақола ва тадқиқотларни эълон қилиб бориш мақсад қилинган.

Ўз навбатида, Марказий банк томонидан чораклик эълон қилиб борилаётган “Пул-кредит сиёсати шарҳи”,

“Инфляция ва инфляцион кутилмалар шарҳи”, “Банк тизими ликвидлиги шарҳи”, “Турмуш даражаси ва инфляция” ахборот-таҳлилий маълумотларини янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Таъкидлаш керакки, коммуникация каналининг ривожланиши натижасида аҳолининг банк тизимига, Марказий банк амалга ошираётган пул-кредит сиёсатига, инфляция даражаси борасидаги Марказий банк таҳлилларига ва миллий валюта қадрига бўлган ишончи ортиб боради. Бу эса инфляцион таргетлаш режимига ўтиш доирасидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Манба:
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
расмий веб-сайти cbu.uz


КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИОН ИҚЛИМИГА ТАЪСИРИ



Д. УСМАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги хузуридаги
Бюджет-солиқ тадқиқотлари
институти 1-тоифали
мутахассиси

“Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Жаҳон ҳамжамияти иқтисодий майдонига чиқаётган “Коронавирус пандемияси” иқтисодий инқирозини юмшатишда инвестицияларнинг аҳамияти беқиёсдир. Шундай экан, ... энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар, тармоқ ва ҳудудлар бўйича мақсадли дастурлар, устувор инвестиция лойиҳалари ва бошқа долзарб вазифалар бажарилишини танқидий таҳлил қилиш юзасидан амалдаги мавжуд тизим самарадорлигини оширишимиз лозим”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М.Мирзиёев



Коронавирус пандемиясининг шиддат билан тарқалиши 2020 йилги иқтисодий пандемия инқирозини олиб келди. “Covid-19” номи билан жаҳон иқтисодиётини ларзага солаётган инқироз ҳолати барча мамлакатлар иқтисодиётининг инқирозга юз тутишига сабаб бўлмоқда.¹ Бу ўз ўрнида нафақат давлатлар ўртасидаги иқтисодий битимлар, балки турли соҳаларда, айниқса, туризм соҳасида олдиндан тузилган кўплаб инвестицион лойиҳалар ўз муддатида бажарилмаслигига олиб келмоқда. Мақсадли инвестицион лойиҳалар кўплаб мамлакатлар инвестицион фаоллигининг камайишига ҳамда иқтисодиётнинг долазарб муаммолари бўлмиш иқтисодий ўсиш, бандлик, инвестицион самарадорлик каби кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида коронавирусга қарши курашиш тизимли ташкил этилганлиги катта талафотлардан сақлаб қолди. Ўзбекистон Республикасининг ривожланаётган давлатлардан бири эканлиги ва охириги йиллардаги иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодий кўрсаткичларининг ўсгани панде-

мия оқибатида келиб чиққан муаммоларнинг тизимли ечим топишига кўмаклашди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича муҳим тадбирларни, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия ва нафақалар ҳамда устувор давлат дастурларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилиниб, улар изчил амалга ошириб келинмоқда. Вирусга қарши курашиш, аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 950 миллион евро миқдорида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилган. Шу билан бирга, бизнесга 4 млрд. евро миқдорида ёрдам кўрсатиш бўйича чоралар тўплами қабул қилинган.

2020 ЙИЛ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 4,8 млрд. АҚШ долларини, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 3,2 млрд. АҚШ долларини ва давлат кафолати

остидаги хорижий кредитлар 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.²

Шу билан бирга, асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ўсиш суръати 2019 йилдаги шу кўрсаткичга нисбатан 1,2 мартаба ошгани кузатилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий инвестиция ҳажмидаги улуши 29,5% гача ўсди.

Ҳисобот даврида 494 та лойиҳа ишга туширилди: 28 та йирик ишлаб чиқариш корхонаси ва 466 та ҳудудий аҳамиятга эга саноат объектлари. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритиш бўйича Россия, Хитой, Германия ва Туркия давлатлари етакчилик қилди, республикамиз иқтисодиётига инвестиция киритган мамлакатларнинг умумий сони 37 тани ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган даврда электротехника саноати (2019 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш – 13 баробар), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (ўсиш – 3,6 баробар), АКТ (ўсиш – 3,5 баробар) соҳалари инвесторлар учун энг жозибador бўлиб қолди. Озиқ-овқат саноати (ўсиш – 1,5 баробар), кимё саноати (ўсиш – 1,3 баро-

¹ <https://retail-loyalty.org/news/issledovanie-otsenka-vliyaniya-koronavirusa-na-mirovuyu-ekonomiku/>

² <http://www.cbu.uz/oz/statistics/bop/408153/>

бар) ва тўқимачилик саноати (ўсиш – 1,6 баробар) ҳам яхши ўсиш динамикасини кўрсатди. Шу билан бирга, минтақавий аҳамиятга молик лойиҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилишнинг ўсиш тенденцияси мустақамланди ва ҳисобот даврида 2 млрд. АҚШ доллари-ни ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 1,05 баробарга ошди. Умумий сумманинг 1,6 млрд. доллари асосий капиталга йўналтирилди. Худудий лойиҳалар доирасида инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар умумий ҳажмининг 62,3 фоизини ташкил этди.

Вилоятлар кесимида 2020 йилнинг биринчи ярмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўсишининг энг юқори динамикаси Наманган (1,6 баробар), Тошкент (1,6



баробар), Қашқадарё (1,5 баробар) ва Сирдарё (1,4 баробар) вилоятларида кузатилди. Умуман олганда, 2020 йил охирига қадар 2 мингдан ортиқ ижтимоий, инфратузилмавий ва саноат объектлари, шу жумладан 206 та янги йирик ишлаб чиқариш объекти, 240 та худудий аҳамиятга эга ишлаб чиқариш объекти ҳамда 1,6 мингга яқин ижтимоий ва

инфратузилмавий объектлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. 2020 йил сентябрь охири ҳолатига³ жорий йилнинг январь-август ойлари якуни бўйича республиканинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 24 537,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 3 554,2 млн. АҚШ долларига ёки 12,7% га камайди.

	2019 йил	2020 йил
Ташқи савдо айланмаси	28091,4	24537,2
Экспорт	12106,2	11608,4
Товарлар	5936,8	4496,8
Хизматлар	2225,2	1307,2
Олтин	3944,2	5804,4
Импорт	15985,2	12928,7
Товарлар	14403,7	12163,6
Хизматлар	1581,5	765,2
Сальдо	-3879,1	-1320,3

³ <https://www.imf.org/en/Publications/CR/Issues/2020/05/19/Republic-of-Uzbekistan-Requests-for-Disbursement-under-the-Rapid-Credit-Facility-and-49446>

Республикамизда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай, 2020 йилнинг январь-август ойларида ташқи савдо айланма-

сида МДХ давлатларининг улуши 29,9%ни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан ташқи савдо айланмасидаги улуши 8,7%га камайган.

ЭКСПОРТ


2020 йилнинг январь-февраль ойларида республиканинг ташқи савдо айланмаси 5,9 млрд. АҚШ

долларини ташкил этди ва ўтган йилнинг шу кўрсаткичига нисбатан 3%га камайди. Ҳисобот даврида экспорт ҳажми 2,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, бу эса ўтган йилга нисбатан 115,1 млн. долларга ёки 4%га камдир. Сальдо салбий 600 млн. долларни ташкил этди.⁴

2020 йилнинг январь-май ойи учун экспорт статистикаси

Пахта толаси	2.4%
Озиқ-овқат маҳсулотлари	16%
Кимёвий маҳсулотлар	11.6%
Энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари	13.5%
Саноат товарлари	13%
Машина ва ускуналар	4.5%
Хизматлар	30.9%
Бошқалар	8.1%

Экспорт динамикаси



⁴ <https://mift.uz/uz/pages/statistika-tovarooborota>



Республикадан экспорт қилинган маҳсулотларнинг катта қисми қуйидаги маҳсулотларни ташкил этади:

қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо металллар ва тошлар – 1,04 млрд. АҚШ доллари (39,6%);
хизматлар – 464.2 млн. АҚШ доллари (17,6%);
энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари – 253,6 млн. АҚШ доллари (9,6%);
тўқимачилик маҳсулотлари – 368,6 млн. АҚШ доллари (14%);
озиқ-овқат товарлари –

100,6 млн. АҚШ доллари (3,8%);
рангли металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар – 117,7 млн. АҚШ долл. (4,5%);
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар – 55,5 млн. АҚШ долл. (2,1%);
қора металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар – 349,6 млн. АҚШ долл. (2%).

ИМПОРТ

2020 йилнинг январь-февраль ойларида республиканинг ташқи савдо айланмаси 5 млрд. 920 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,1%га


тушди. Ҳисобот даврида импорт ҳажми 3 млрд. 289 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 75 миллион долларга ёки 24.9 фоизга камдир.

Ташқи савдонинг салбий сальдоси 657 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. 2020 йилнинг январь-август ойларида импорт ҳажми 12 928,7 млн. АҚШ долларини ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 80,9%ни ташкил этди. Импорт таркибида энг катта улуш машиналар ва транспорт асбобу-ускуналари (37,8%), саноат товарлари (17,1%) ҳамда кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар (13,8%) ҳисобига тўғри келди. Товар ва хизматлар импорти динамикаси таҳлилига кўра, 2020 йилнинг январь-августидан импорт қилинган товарлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 240,2 млн. АҚШ долларига камайди ва 12 163,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 765,2 млн. АҚШ долларига етди.⁵

2020 йилнинг январь-май ойи учун импорт статистикаси

Озиқ-овқат маҳсулотлари	9.2%
Кимёвий маҳсулотлар	15.7%
Энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари	5.6%
Саноат товарлари	8.8%
Машина ва ускуналар	41.4%
Хизматлар	7.5%
Бошқалар	11.8%

⁵ <https://www.stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/9783-o-zbekiston-respublikasining-tashqi-savdo-aylanmasi-2020-yil-yanvar-avgust>



Республика импортининг таркиби:

– маҳсулотлар импорти – 88% ёки 2 млрд. 905 миллион АҚШ доллари (пасайиш 4,7%);
– хизматлар импорти – 12% ёки 384 миллион АҚШ доллари (ўсиш 22,2%).

Импортнинг юқори ўсиши саноат секторини кенг миқёсда модернизация қилиш мақсадида ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун импорт қилинадиган маҳсулотлар импорти билан боғлиқ. Жумладан, республикага олиб кирилатган маҳсулотларнинг катта қисми қуйидагиларга тўғри келади:

– машина ва транспорт ускуналари (эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни қўшган ҳолда) – 1 млрд. 245 миллион АҚШ доллари (+ 2,7%);
– саноат маҳсулотлари – 497 миллион АҚШ доллари (- 9,0%);
– кимёвий моддалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар – 378 миллион АҚШ доллари (+ 3,7%);
– озиқ-овқат маҳсулотлари

– 174 миллион АҚШ доллари (- 28,9%);

– озиқ-овқат товарлари, ёқилғидан ташқари – 201 миллион АҚШ доллари (+ 45,1%);
– энергия манбалари, нефть ва нефть маҳсулотлари – 157 миллион АҚШ доллари (- 8,8%);
– тирик ҳайвонлар ва улар учун ем – 29 миллион АҚШ доллари (- 24,9%);
– ўсимлик ва ҳайвонот мойлари – 36 миллион АҚШ доллари (- 32,0%);
– ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 5 миллион АҚШ доллари (- 27,9%);
– турли хил тайёр маҳсулотлар ва бошқа маҳсулотлар – 182 миллион АҚШ доллари.

Ўзбекистонда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишсизлик даражаси 13,2 фоизни ташкил этди. Жорий йилнинг июнь ойида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Республика бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти

тавсиялари асосида ишлаб чиқилган методика бўйича республиканинг 101 та шаҳар ва туманларида навбатдаги ижтимоий сўров ўтказилди. Унда 490 та фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, 4,9 мингта уй хўжаликлари ҳамда 25,9 минг нафар фуқаро қамраб олинди. COVID-19 пандемияси даврида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган карантин чора-тадбирлари меҳнат бозорига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.⁶

Ўтказилган тадқиқот натижалари республикада ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 13,2 фоизини ташкил этганлигини кўрсатди. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврида 9,1 фоизга тенг бўлган. Ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1 944,0 минг кишини ташкил этади (16-30 ёшгача бўлганлар ўртасида ишсизлик даражаси 20,1 фоиз, аёллар ўртасида ишсизлик даражаси эса 17,4 фоиз). Дастлабки маълумот-

⁶ <https://mehnat.uz/uz/news/uzbekistonda-ishsizlik-darazhasi-132-foizni-tashkil-etdi>

ларга кўра меҳнат ресурслари сони 19 084,6 минг кишини ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпайган бўлса, COVID-19 пандемиясининг иқтисодий субъектлари фаолиятига салбий таъсири натижасида иқтисодий тармоқларида банд бўлганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 фоизга ёки 671 минг кишига камайиб, 12 736,7 минг кишини ташкил қилди. Шунингдек, иқтисодий тармоқларининг расмий секторида банд бўлган аҳоли сони 5 581,2 минг кишини ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,2 фоизга ёки 12,4 минг кишига камайди.


Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган айрим чекловлар ва тегишли чора-тадбирлар сабабли яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони ўтган йилнинг шу даври-

га нисбатан 167,5 минг (46,4 фоиз)га камайиб кетганлиги қайд этилган бўлса, 131,2 минг ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ҳисобига расмий бандлар сони кескин камайишининг олди олинди. Тадқиқот натижаларига кўра, республикадан ташқарига хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетганлар сони 2 040 минг кишини ташкил этган, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 553,2 минг, 2020 йилнинг 1-чораги якунига нисбатан эса 232,1 минг кишига камайган. Норасмий секторда банд бўлганлар сони (хорижда ишлаётган меҳнат мигрантларини ҳисобга олмаганда) ўтган йилга нисбатан 2,1 фоизга ёки 105,3 мингга камайиб, 5 114,6 минг кишини ташкил этмоқда. Бунда асосан вақтинчалик бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар (108,4 мингга камайган), меҳнат муноса-

батларини расмийлаштирмасдан оилавий корхоналарда ва тадбиркорлик субъектларида ишловчилар (87,6 минг), рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар (110,6 минг) сони камайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО ЗАХИРАЛАРИ

Ўзбекистоннинг расмий олтин-валюта захиралари ҳажми йил бошига нисбатан қарийб 20 фоизга ёки 5,4 млрд. АҚШ долларига кўпайиб, 34,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Бунда олтин миқдори 16,3 млрд. доллардан 18,8 млрд. АҚШ долларига етган ва хорижий валютадаги захира активлари эса 15,44 млрд. АҚШ доллари, СДР (Special Drawing Rights) ҳажми 376 миллион АҚШ доллари эквивалентини ташкил этган.



Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари⁷

⁷ <http://www.cbu.uz/oz/statistics/intlreserves/407511/>

Мазкур даврда олтин захи-
ралари соф ҳажми йил бошига
нисбатан 37 тоннага (ёки 1,19
миллион троя унциясига) ка-
майди. Чунки, 2020 йилнинг 8
ойида 5,8 млрд. АҚШ долла-
ри миқдорида олтин экспорт
қилинди. Шу ўринда таъкид-
лаш керакки, август ойида
жаҳон бозорида олтин нархи
рекорд даражага кўтарилган
бир пайтда рекорд миқдорида
олтин экспорт қилинди. Ол-
тин экспортдан тушумнинг
рекорд даражада кўпайиши
натijasида Ўзбекистон олтин-
валюта захиралари таркибида
хорижий валютадаги захи-
ра активлари ҳажми қарийб
3 млрд. АҚШ долларига (12,5
млрд. АҚШ долларидан 15,44
млрд. АҚШ долларигача) ошди.
2020 йил 1 сентябрь ҳолатига
олтин-валюта захиралари
ҳажми 5,4 млрд. АҚШ долла-
рига кўпайишининг 89 фоизи
(4,85 млрд. АҚШ доллари) ол-
тин нархининг (йил бошига ни-
сбатан 29 фоизга ёки 443 АҚШ

долларига) ошиши натижасида
соф олтин миқдорини қайта
баҳолашлар ҳиссасига тўғри
келган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридаги малумотлар-
дан яққол кўришиб турибдики,
пандемия Ўзбекистон Респуб-
ликасидаги барча соҳаларга
сезиларли таъсир кўрсатган.
Шунингдек, бу давр мобайни-
да қайси соҳаларнинг заиф-
лиги ва рақамли иқтисодиётга
қанчалик тайёрлиги ойдин-
лашди. Пандемия даврида
бутун дунё COVID-19нинг
чекловлари сабаб занжирси-
мон инқирозга юз тутгани ва
унинг оқибатида юзага келган
макроиқтисодий кўрсаткич-
ларнинг салбий кўриниш
олгани барчага маълум. Ам-
мо, таъкидлаб ўтиш жоизки,
ривожланаётган давлатлар
қаторида Ўзбекистон Респуб-
ликаси ҳам ҳар тарафлама
ривожланаётгани пандемия-

нинг мамлакат инвестицион
иқлимига таъсирини сезилар-
ли даражада юмшатган. Хуло-
са қилиб айтганда, мамлакат-
нинг инвестицион иқлимини
ва импорт-экспортини яна-
да диверсификация қилиш
ва ривожлантириш панде-
мия инқирозидан чиқишнинг
муҳим стратегик йўналишларидан биридир.

ABSTRACTS

THE IMPACT OF THE CORONAVIRUS PANDEMIC ON THE INVESTMENT CLIMATE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

This article assesses the
impact of the coronavirus
pandemic on the investment
potential of the Republic of
Uzbekistan and develops
recommendations. In
addition, brief information
was provided on the
systematic approach of the
Republic of Uzbekistan to the
pandemic. It also reflects the
impact of the pandemic crisis
on the investment climate
in 2020 and changes in the
rating to the economy.



СОЛИҚ ИНСТРУМЕНТИНИНГ ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИГА ТАЪСИРИ



С. ГИЯСОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги
Бюджет-солиқ тадқиқотлари
институти Бўлими бошлиғи
ўринбосари

Мамлакатимизда, шу жумладан маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологияли ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ташкил этишга қаратилган инвестиция сиёсатини янада фаоллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.¹




¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563-сонли қарори. ҚХММБ, 10.01.2020 й., 07/20/4563/0034-сон, 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон.

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилинган 2019 йилда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизмларини тубдан такомиллаштириш ва соддалаштириш, инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштиришни кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2019 йилда 184 трлн. сўм атрофида капитал қўйилмалар ўзлаштирилди ва бу ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп демаслик. Ялпи ички маҳсулотда инвестицияларнинг улуши 34 фоиздан ошди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида 850,5 трлн. сўм инвестициялар, шу жумладан 35,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи 2020-2022 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг йиғма прогноз параметрлари, шунингдек, 2020-2022 йилларда инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб қилишнинг прогноз параметрлари ва 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўрин-

лари яратилишини назарда тутувчи 2020 йилда йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш манзилли дастури тасдиқланди.

Умуман олганда, инвестицион фаолият мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда ва бюджетнинг даромад базасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни солиқлар орқали тартибга солишда ҳам солиқ сиёсатининг асосан икки муҳим инструменти кўпроқ фойдаланиб келинган: ставкалар ва имтиёзлар.



1-расм. Ўзбекистонда фойда солиғи ставкалари пасайтирилиши натижасида корхона ихтиёрида қоладиган маблағлар таҳлили²

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-2019 йиллардаги «Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz расмий сайти (давлат бюджети ижроси) ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Корхоналарнинг инвестицион фаоллигини сезиларли оширишда фойда солиғи ҳам адолатли, ҳам самарали ҳисобланади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида қабул қилинган қарорлари асосида фойда солиғи ставкаси 1995 йилдаги 38 фоиздан 2017 йилда 7,5 фоизга ёки 22 йил мобайнида 5 баробардан зиёдга камайтирилди. 2018 йилга келиб эса фойда солиғи ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи билан бирга 14 фоизни ташкил этди ёки 2017 йилга нисбатан

1,5 фоизга камайтирилди, 2019 йилда 12 фоизни ташкил этди ёки 2018 йилга нисбатан 2 фоизга камайтирилди (1-расм).

Таҳлиллар кўрсатишича, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкаси барқарор пасайиб борган. Бу эса корхоналар ихтиёрида қоладиган фойданинг кўп қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, яъни реинвестиция қилишга сарфлаш имкониятини яратади. Аммо ставканинг пасайиши натижасида корхона ихтиёрида қоладиган суммани инвестиция жараёнига жалб этиш ҳолатлари суст даражада амалга ошмоқда ва кутилган натижани бермаяпти, дейиш мумкин. Ўз навба-

тида корхоналар ихтиёрида қоладиган даромадлар тўлиқ инвестицияларга сарфланади, дейиш ҳам бироз нотўғри бўлади. Бунинг энг асосий сабабларидан бири, ҳар ким имкони борича камроқ солиқ тўлашни ва кўпроқ даромад олишни хоҳлайди ва шу билан бирга даромаднинг бир қисмини келгусида кўпроқ даромад олиш учун риск сабабли сафарбар этишни (ёки, бошқача айтганда, ундан ажралишни) истамайди. Бундан ташқари, ставканинг рағбатлантирувчи хусусияти ва инвестицион фаолликка таъсири унинг сезиларли даражада доимий пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган тақдирдагина қўл келади.





1-жадвал

Фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзи шакларининг таҳлили³

Кўрсаткичлар	Вариантлар				
	Базис	Фойда солиғидан тўлиқ миқдорда солиқ имтиёзи тақдим этиш	Фойда солиғидан 50% миқдорда солиқ имтиёзи тақдим этиш	50% миқдорда фойда солиғи ставкасини пасайтириш	Солиқ солинадиган фойдадан (30% ошмаган ҳолда) йўналтирилган инвестиция суммасини чегириш
Тушум	60,0	60,0	60,0	60,0	60,0
Харажатлар	18,0	18,0	18,0	18,0	18,0
Ялпи фойда	42,0	42,0	39,5 (42,0-2,5)	42,0	29,4 (42-12,6)
Имтиёз	-	5,0	2,5 (50%*5,0)	-	12,6 (30%*42)
Фойда солиғи суммаси (12%лик ставка бўйича)	5,0	5,0	5,0	2,5 (50%*5,0)	3,5 (29,4*12%)
Соф фойда	37,0	42,0	34,5	39,5	38,5
Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси ҳисобланган жами сумма	37,0	42,0	37 (34,5+2,5)	39,5	51,1 (38,5+12,6)


³ Муаллифнинг шартли таҳлили.

Шунингдек, фойда солиғи мисолида солиқ имтиёзларини тақдим этиш шаклларининг қайси бири самаралироқ эканлигини кўриб чиқар эканмиз, 1-жадвалдаги таҳлил натижаларидан англашиладики, солиқ солинадиган фойдадан йўналтирилган инвестиция суммаси чегирилган тақдирда капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси 51,1 млн. сўмни

ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич фойда солиғидан тўлиқ озод қилиш (42,0 млн. сўм), фойда солиғидан 50% миқдорда озод қилиш (37,0 млн. сўм), фойда солиғи ставкасини 50%га пасайтириш (39,5 млн. сўм) вариантларидан кўра капитал қўйилмаларни молиялаштиришда афзалроқ ҳисобланмоқда.

Солиқлар орқали тартибга солишнинг иккинчи инструменти имтиёз ҳисобланади.

Дастлабки таҳлиллар шунини кўрсатдики, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёнлари ривож учун фискал рағбатлар самардорлигини пасайтирувчи бир қатор муаммолар мавжуд. Энг аввало, мамлакатимизда солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг умумий кўрсаткичларига эътибор қаратамиз (2-расм).



2-расм. 2011-2018 йилларда юридик шахслар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлили⁴ (фоизда)

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ушбу давр ичида корхоналар фаолиятига инвестициялар жалб қилиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни рағбатлантириш учун тақдим этилган солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналар сони умумий солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан ўртача 10,4 фоизни ташкил этган бўлса, имтиёзлар суммасида атиги


2,6 фозни ташкил этмоқда. Бу инвестициялар оқимини кучайтиришга ва корхоналар инвестицион фаоллигини оширишга мўлжалланган солиқ имтиёзлари ҳажми камлигини кўрсатмоқда. Тақдим этилганлари ҳам етарли даражада натижа бермаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш лойиҳаларида имтиёзлардан фойдаланишни

мониторинг қилиш тизими мавжуд эмаслигидир. Солиқ ва божхона имтиёзлари эришилган (таннархнинг камайиши, меҳнат унумдорлиги ўсиши ва фойданинг ўсиши, бандлик, ишлаб чиқариш қувватларини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши, энергия тежалиши, экспорт ҳажми ўсиши ва бошқалар) натижалардан қатъи назар тақдим этилади.



3-расм. Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан қўлланилган солиқ имтиёзлари таҳлили⁵

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф таҳлили.



Таъкидлаш жоизки, 2012-2018 йиллар мобайнида тақдим этилган иқтисодиётдаги жами солиқ имтиёзларида ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан тақдим этилган имтиёзлар улуши ўртача 30 фоизни ташкил этса, ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан тақдим этил-

ган иқтисодиётдаги имтиёзларда алоҳида қарорлар билан саноатга тақдим этилган имтиёзлар улуши 78 фоизни ташкил этмоқда (3-расм).

Имтиёзлар таҳлили шуни кўрсатдики, улар «имтиёзлар – инвестициялар – натижалар» тамойилида тақдим этилган. Мазкур ҳолат тармоқлар

ривожига солиқ имтиёзларининг таъсирига баҳо беришни қийинлаштиради. Масалан, Солиқ тўловчи-юрлик шахслар учун тақдим этилган умумий солиқ имтиёзларида саноат тармоғига берилган солиқ имтиёзлари улуши ўртача 52,2 фоизни ташкил этмоқда (2-жадвал). Солиқ имтиёзларининг ўсиш суръатлари саноатдаги маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръатларидан илгарилаб кетмоқда. Хусусан, саноатдаги корхоналарга тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳажмининг ўсиш суръатлари ўртача 41 фоизни ташкил этган бир вақтда саноатдаги маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръатлари ўртача 22 фоизни ташкил этган.

3-жадвал

Саноатдаги солиқ имтиёзлари таҳлили⁶


Сана	Саноатдаги солиқ имтиёзлари (умумий солиқ имтиёзларига нисбатан %да)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши (фоизда)	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (2018 йил нархларида, трлн. сўмда)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши (фоизда)
01.01.2012	42,5	26	41,6	20
01.01.2013	52,2	107	50,7	22
01.01.2014	49,5	30	61,1	20
01.01.2015	51,3	21	75,2	23
01.01.2016	58,2	29	91,7	22
01.01.2017	58,7	21	111,3	21
01.01.2018	53,0	51	144,2	30
Ўртача	52,2	41	-	22

⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Шунингдек, саноат тармоғида эришилган бир қатор натижаларни 4-расмда акс эттирилган кўрсаткичлар орқали таҳлил қиламиз. Мазкур маълумотларга кўра, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга инвес-

тициялар, машина, ускуна, инвентарларга йўналтирилган инвестициялар, саноатдаги бандлар даражасини ҳамда янги объектлар ва кейгайтириш ҳисобига ташкил этилган иш ўринлари йилдан-йилга камайиб борганлигини кузатишимиз

мумкин. Бу эса саноатдаги солиқ имтиёзлари салмоғи 50 фоиздан зиёд бўлиб, йилдан-йилга ўсиб бораётганлигига қарамасдан, саноат ривожига солиқ имтиёзларининг таъсирчанлиги ва натижадорлик даражаси пастлигини англатади.



4-расм. Асосий капитал ва такрор ишлаб чиқаришга инвестициялар ҳамда саноатдаги бандлар таҳлили⁷

⁷ Садиқов А.М. ва бошқалар. Тенденции социально-экономического развития Узбекистана. 2014-2016. – Т.: IFMR, 2017. – 112 с.; Турдиев Д.Р. ва бошқалар. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитические бюллетени за 2012-2017 гг. / ISSN2091-5063. – Т.: 2018. © Center for Economic Research; www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.



Шу билан бирга, лича тўхталиб ўтамыз. мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш мақсадида тақдим этилаётган солиқ имтиёзларига ҳам атроф-

2011-2017 йиллар мобайнида тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилган инвестиция, шу жумладан жалб қилинган хорижий

инвестициялар учун берилган умумий солиқ имтиёзлари ўртача 33 фоизга ўсган бўлса-да, ушбу давр мобайнида умумий инвестициялар ўртача 12 фоизга, хорижий инвестициялар 14 фоизга ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 13 фоизга ўсган (5-расм). Мазкур ҳолат ҳам корхоналар инвестицион фаолияти учун мўлжалланган солиқ имтиёзларининг ушбу фаолиятга таъсир этиш даражаси пастлигини кузатишимиз мумкин.



5-расм. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар ва тақдим этилган имтиёзларнинг ўсиш суръатлари⁸

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Маълумки, солиқ инструментларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида қатор солиққа оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, муайян ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Бироқ мазкур меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган айрим муҳим вазифалар ҳам ўз вақтида амалга оширилмай келинмоқда. Бу эса солиқ инструментлари орқали давлат инвестиция сиёсати самарадорлигини пасайтирмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сонли Фармони билан тасдиқланган Мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 13-бандида солиқ кредити институти

2018 йил 30 сентябрга қадар жорий этилиши масаласи белгиланган бўлса-да, мазкур институтни қўллаш тартиби ишлаб чиқилмаган ва янги таҳрирдаги Солиқ кодексига киритилмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сонли қарорининг 4-бандида уч ой муддатда солиқлар бўйича тўловларни кейинчалик бўлиб-бўлиб фоизи билан қайтариш орқали камайтиришни назарда тутувчи «инвестициявий солиқ кредитлари» институти жорий этилиши белгиланган. Лекин мазкур қарор 2019 йил 10 июлда қабул қилинган бўлишига қарамасдан, «инвестицион солиқ кредити»ни амалда қўллаш тартиби ишлаб чиқилмаган ва янги таҳрирдаги Солиқ кодексига

ўз аксини топмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-банди 3-хатбошида солиқ имтиёзларини қўллаш самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини жорий этиш вазифаси белгиланган бўлиб, мазкур тизимни амалиётга татбиқ этиш механизми ҳанузгача ишлаб чиқилмаган ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан мустаҳкамланмаган.

Бу каби камчиликларни солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам учратиш мумкин. Ушбу камчилик ва муаммолар бартараф этилиши давлат инвестиция сиёсатини солиқ инструментлари воситасида самарали амалга ошириш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.



ABSTRACTS


IMPACT OF TAX INSTRUMENT ON PUBLIC INVESTMENT POLICY

This article covers some aspects of the use of tax instruments in the promotion of investment activity, its role in the implementation of the state investment policy. Also, the impact of tax incentives on the investment activities of enterprises was analyzed, relevant conclusions were formed and scientific proposals were developed.

ИҚТИСОДИЙ СОҲАГА ОИД ЯНГИ НАШРЛАР


Доно МИРАБИДОВА,
Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти
Ахборот-ресурс маркази (кутубхона) етакчи мутахассиси

Анъанага кўра, «Бозор, пул ва кредит» журналининг 2020 йил 12-сонида Ўзбекистон Республикасида молия, иқтисод ва банк соҳасига оид янги нашрлар ҳамда уларнинг қисқача мазмуни билан Сиз азиз журналхонларни таништиришни лозим топдик.



Финансы: Учебник / Е.А. Ахунова. Часть 1.
– Т.: «Иқтисод-Молия», 2019. – 320 с.

Учебник предназначен для студентов бакалавриата высших образовательных учреждений, обучающихся по экономическим направлениям и изучающих учебную дисциплину «Финансы». Работа содержит материалы, необходимые для освоения изучаемого материала.



Деньги и банки. Учебник/А.А. Омонов, Т.М. Каралиев. – Т.: Иқтисод-Молия”, 2019. – 416 б.

Учебник подготовлен в соответствии с Государственными стандартами непрерывного образования в Узбекистане. В работе описываются теоретические аспекты возникновения, развития и улучшения денежного, кредитного и банковского дела, а также целей и задач международных финансовых институтов.


Учебник предназначен для студентов-экономистов, преподавателей, исследователей, а также банковских и финансовых специалистов.



Банковское дело: Учебник/ У. Азизов, Т. Каралиев, Т. Бобокулов, Ш. Абдуллаева, О. Саттаров, З. Холмахмадов, У. Ортиков, Д. Саидов, И. Куллиев, И. Рахмонов, М. Эгамова, Ш. Давирова, Ш. Азимова. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2019. – 720 с.

Учебник подготовлен в соответствии с программой, утвержденной Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.


Учебник предназначен для подготовки бакалавров по специальности “Банковское дело” и может быть использован сотрудниками банка и лицами, интересующимися банковской деятельностью.



Банковское дело. Учебник. 1 часть./О.И. Лаврушин, И.И. Валенцева, У.У. Азизов, Т.М. Каралиев, Э.Т. Кадиров и др. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2019. – 704 с.

В учебнике рассматриваются ключевые вопросы организации деятельности банков, их взаимодействие с Центральным банком и отдельными клиентами. Особое внимание уделяется новым явлениям в развитии банковской деятельности, экономическим и законодательным нормам регулирования, в том числе характеристике ресурсов, оценке достаточности собственного капитала банка, уровня его прибыли и ликвидности.


Учебник предназначен для бакалавров, студентов, аспирантов и преподавателей экономических факультетов и вузов, слушателей системы послевузовского образования, научных работников, а также работников финансовой и банковской систем.



Банковское дело. Учебник. II часть. /О.И. Лаврушин, И.И. Валенцева, У.У. Азизов, Т.М. Каралиев, Э.Т. Кадиров и др. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2019. – 704 с.


В учебнике рассматриваются ключевые вопросы организации деятельности банков, их взаимодействие с Центральным банком и отдельными клиентами.

Учебник предназначен для бакалавров, студентов, аспирантов и преподавателей экономических факультетов и вузов, слушателей системы послевузовского образования, научных работников, а также работников финансовой и банковской систем.




Bank ishi: Darslik. I qism / Sh.Z.Abdullaeva, U.O'.Azizov. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. – 540 b.

Mazkur «Bank ishi» darsligi kadrlar tayyorlash bo'yicha Davlat ta'lim standarti talablariga muvofiq ishlab chiqilgan namunaviy o'quv dasturi asosida yaratilgan. Mazkur darslikdan bankirlar, moliya, buxgalteriya hisobi va audit yo'nalishi bitiruvchilari, magistrlar va doktorantlar hamda bank xodimlari foydalanishlari mumkin. Ushbu darslik 2 qismdan iborat bo'lib, 1-qismi I bobdan IX bobgacha.



**Bank ishi: Darslik. II qism /
Sh.Z.Abdullaeva, U.O'.Azizov; – T.: «Iqtisod
Moliya», 2019. – 536 b.**

Mazkur «Bank ishi» darsligi kadrlar tayyorlash bo'yicha Davlat ta'lim standarti talablariga muvofiq ishlab chiqilgan namunaviy o'quv dasturi asosida yaratilgan. Mazkur darslikdan bankirlar, moliya, buxgalteriya hisobi va audit yo'nalishi bitiruvchilari, magistrlar va doktorantlar hamda bank xodimlari foydalanishlari mumkin. Ushbu darslik 2 qismdan iborat bo'lib, 2-qismi X bobdan XXIII bobgacha.



**Pul va banklar: Darslik / A.A.Omonov,
T.M.Qoraliyev. – T.: "Iqtisod-Moliya", 2019. –
448 b.**

Darslik O'zbekistonda uzluksiz ta'limning Davlat ta'lim standartlari qoidalariga muvofiq tayyorlangan bo'lib, ta'limning "Ijtimoiy fanlar, biznes va huquq" bilim sohasi bo'yicha "Pul va banklar" fani namunaviy dasturidagi mavzularni qamrab olgan.

Darslik iqtisodiyot yo'nalishidagi talabalar va o'qituvchilar, ilmiy tadqiqotchilar, bank va moliya sohasi mutaxassislari uchun mo'ljallangan.

2020 ЙИЛ МОБАЙНИДА «БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» ЖУРНАЛИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАҚОЛАЛАР РЎЙХАТИ

№1 (272)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ / АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

С. Воронин. Главная цель налоговой реформы – обеспечить экономическую стабильность

Б. Муҳаммадиев. Қайта молиялаш ставкаси ўзгаришсиз қолдирилди

Н. Саломов, З. Маккамов. Солиқ юкини қисқартириш орқали божхона тўловлари тушумини ошириш чоралари

ИННОВАЦИИ

С. Исмаилов. Концепция инновационного маркетинга для повышения конкурентоспособности коммерческих банков

БАНК ФАОЛИЯТИ

Х. Аминов. Худуд иқтисодий салоҳияти ўсиши учун

Х. Аминов. Инвестицион жозибадорликни ошириш ва истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш йўлида

БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

А. Яров. Инсон капитали – иқтисодий барқарорлик таянчи

ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Э. Акрамов. Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш – мамлакат тараққиёти омилларидан бири

РЫНОК ЦЕННЫХ БУМАГ

Ш. Усмонов. Рынок международных облигаций: еврооблигации Узпромстройбанка

БАРҚАРОРЛИК ОМИЛЛАРИ

Ж. Одиллов. Омонатлар – банклар депозит портфелининг ишончли манбаси

ИСЛОМ МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Т. Бобоқулов, И. Норова. Ўзбекистонда ислом суғуртаси тизимини жорий этишнинг долзарблиги: мавжуд муаммо ва имкониятлар

БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ

Ф. Иззатуллаев. «ДомКлик»: замонавий банк хизмати

№2 (273)

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА

Н. Абдуназарова. Мировой опыт и пути ускорения цифровой трансформации в Узбекистане

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Владимир Сиротко: «Единое Расчетно-Информационное Пространство – драйвер цифровой Беларуси»

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ

Ф. Иноятов. Халқаро молия

корпорацияси «Ипотека-банк»ка инвестиция киритишга қарор қилди

Ҳ. Аминов. Ўзсаноатқурилишбанк: инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш йўлида

БАНК ФАОЛИЯТИ

З. Бахрамов. Давлат банклари ва уларнинг иқтисодий ривожланишдаги роли

ВАЛЮТА БОЗОРИ

Ш. Сиддиқов. Тижорат банклари томонидан чет эл валютаси ҳисобининг юритилиши

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР

Ж. Жўраев. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ҳисоблашда халқаро рейтинг агентликларининг роли ва аҳамияти

БЮДЖЕТ МУНОСАБАТЛАРИ

У. Усмонов. Бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этиш ва бошқариш масалалари

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

С. Юнусов. Хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтериясида ижара операциялари ва солиқ ҳисоби

БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ш. Кучаров. Аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасини такомиллаштириш: таҳлил ва муносабат

ЖАҲОН ТРЕНДЛАРИ

Ф. Иззатуллаев. 2020 йил: банк соҳасидаги асосий тенденциялар эълон қилинди

№3 (274)

БАНК ФАОЛИЯТИ

Замонавий банк хизматлари офислари – «Туронбанк»нинг муҳим драйвери

Ўзсаноатқурилишбанк барқарор ўсишда давом этмоқда

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ

Б. Касимходжаев. Тижорат банкларида ходимлар бошқарувини такомиллаштириш

КРЕДИТ АМАЛИЁТИ

А. Эшназаров. Тижорат банкларда кафиллик асосида кредитлаш амалиётини такомиллаштириш

ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ

Ш. Джалалов. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш механизмини бошқаришни такомиллаштириш

ИНДИКАТОРЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

Б. Тураев. Страна без бедности: это в наших силах

СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

А. Абдугафаров. Даромаднинг пропорционал солиқ ставкаси имкониятлари

БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИ

К. Уразов, Б. Боронов, Ж. Абдурасулов. Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ва аудиторлик таҳлилининг назарий масалалари

ИНВЕСТИЦИИ

У. Надирханов, А. Анваржонов.
Роль инвестиций в развитии дорожно-строительной отрасли Республики Узбекистан

ДОРОЖНАЯ ИНФРАСТРУКТУРА

М. Тураев. Автомобильные дороги с цементобетонным покрытием – приоритет развития транспортной сети Узбекистана

№4 (275)**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ**

Н. Ҳазратқулов. Мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш истиқболлари

ПАНДЕМИЯ И ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ / ПАНДЕМИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

С. Воронин, У. Нарзуллаева. Системный подход при разработке мер по смягчению последствий COVID-19 – необходимое условие для обеспечения экономического роста

Пандемиядан кейинги дунё: 12 нафар иқтисодчи, сиёсатшунос, медицина ходимлари ва дипломатлардан 12 башорат

ҲИСОБ СИЁСАТИ

А. Тўраев, Ф. Кенжаева. Нодавлат нотижорат ташкилотларида ҳисоб сиёсатини тузиш ва тақдим этиш тартиби

МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ

Ф. Иззатуллаев. «Барух Ротшильд: Снижение уровня бедности. Проект

“Мой район. Моя область. Наш Узбекистан”»

МИГРАЦИЯ И ДЕНЬГИ

Д. Джумонов. Влияние денежных переводов на экономику стран-доноров

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

Г. Бақоева. Ўзбекистон Республикаси фонд биржаси фаолиятида мавжуд муаммолар ва қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг ўрни

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК

Пандемиядан кейинги дунё: инқироз шароитида бизнесни қандай олиб боришга оид олти китоб

№5 (276)**МОНЕТАР СИЁСАТ**

Э. Ҳамраев. Нархлар барқарорлигини таъминлашда Марказий банкларнинг роли ва вазифалари

БАНК ФАОЛИЯТИ

О. Абдуллаев. Скоринг тизими: моҳияти, аҳамияти ва уни банкларда қўллаш

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР / ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Б. Аннакулов. Ўзбекистонда электрон пуллар айланмасини ташкил қилиш ва тартибга солиш амалиёти

Б. Тагаев. Рақамли иқтисодиёт – норасмий иқтисодиёт ва норасмий бандлик даражасини камайтиришнинг самарали механизми

ПАНДЕМИЯ И МИР

Д. Нарзуллаева. Изменится ли образовательная система после

пандемии коронавируса?

Д. Угай. Фискальные меры в разрезе стран мира в условиях давления последствий пандемии коронавирусной инфекции

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

О. Ғайбуллаев, Н. Маҳмадиёров. Шаффофликни оширишда давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари афзалликлари

АУДИТ

Б. Дагаров. Аудиторлик далилларини тўплаш жараёнини такомиллаштириш масалалари

ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ

С. Веренин. Ўзбекистонга векселлар керакми?..

№6 (277)

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

One Touch: Рақамли трансформация сари Туронбанк билан қўйилган мустаҳкам қадам!

БАНК ФАОЛИЯТИ

Ш. Усманова. Миллий иқтисодиётни улуший молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини ошириш

ИСЛОМ МОЛИЯ ВА БАНК ТИЗИМИ

А. Турсунов. Тижорат банкларида ислом банк хизматларининг зарурлиги ва иқтисодий ўсишдаги аҳамиятининг назарий асослари

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Б. Тагаев. Ностандарт бандлик – бандликнинг тизимли замонавий

тенденцияси сифатида

О. Норов. Пандемия шароитида яшаб қолиш учун нима иш билан шуғулланиш керак?

ЭКСПОРТНЫЙ ПОТЕНЦИАЛ

Д. Усманова. Функционирование экспортно-кредитных организаций: зарубежный опыт

У. Надирханов. Экспортное развитие Республики Узбекистан: тенденции, проблемы, перспективы

ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ / РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Г. Федяшева. Малые промышленные зоны: современные условия, тенденции и перспективные направления развития

М. Тураев. Локализация производства бумаги в Узбекистане в условиях глобальных кризисных проявлений

Б. Корабоев. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимидаги ўзгаришларнинг Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» (Doing Business) рейтингда акс эттирилиши

№7 (278)

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ

Б. Абдуллаев. Тижорат банкларининг инвестицион институт сифатидаги фаолиятини такомиллаштириш

РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ / ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ

А. Тураев, Р. Хайдаров. Современное состояние и пути совершенствования деятельности служб внутреннего аудита в республике

Б. Дагаров. Аудитда таҳлилий амалларни қўллаш жараёнини

такомиллаштириш йўналишлари

ПАНДЕМИЯ И ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ

С. Воронин. Меры налоговой поддержки бизнеса в период коронавирусной пандемии

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Б. Тагаев. Ўзини ўзи банд қилиш – меҳнат ресурслари бандлигини бошқаришнинг воситаси сифатида

СОЛИҚЛАР / НАЛОГИ

Х. Кулимова. Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқлар таъсирчанлигини ошириш йўллари

А. Убайдуллаева. Налогообложение недвижимого имущества физических лиц в Узбекистане и в странах ЕАЭС

ТУРИЗМ

А. Шермухамедов, Д. Нарзуллаева. Современные тенденции на рынке туристических услуг Узбекистана

№8 (279)

КРЕДИТ СИЁСАТИ

Э. Акрамов. Гаров реестри ҳамда ундан фойдаланишнинг афзалликлари ва қулайликлари

БАНК ФАОЛИЯТИ

Ҳ. Аминов. Ипотека-банк – тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори ва мададкори

ПАНДЕМИЯ И ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ

С. Воронин, Д. Угай. Зарубежный и отечественный опыт поддержки

деятельности индивидуальных предпринимателей в условиях пандемии COVID-19

ЗАНЯТОСТЬ НАСЕЛЕНИЯ

Б. Тагаев. Регулирование неформальной занятости в Узбекистане в условиях цифровизации экономики

БЮДЖЕТ СИЁСАТИ

Б. Кобиров. Партисипатор бюджетлаштиришнинг халқаро тажрибаси ва Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари

БАНК МЕНЕЖМЕНТИ

Д. Суюнов. Акциядорлик жамиятларини самарали бошқаришда «комплаенс-назорат» тизими жорий қилиниши масалалари

ИННОВАЦИИ

Д. Абдуллаева, Д. Нарзуллаева. Цифровая логистика: инновационный комплекс транспортных услуг

ИНВЕСТИЦИИ

У. Надирханов. Законодательная база Республики Узбекистан по иностранным инвестициям: основные цели, тренды и направления развития

№9 (280)

МАКРОИҚТИСОДИЁТ

О. Тожиддинов, Ш. Хайитбоев. «Эгизак дефицитлар» (twin deficits): жорий операциялар ҳисоби ва фискал баланс бир-бирига боғлиқми?

КРЕДИТНАЯ ПОЛИТИКА

Б. Мухаммадиев. Развитие в сфере залогового реестра

БАНКОВСКАЯ ИНФРАСТРУКТУРА

Н. Абдуназарова. 25-летие Ассоциации банков Узбекистана: вклад в развитие банковской системы и перспективные направления деятельности

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК

М. Жумагелдиев, А. Рашидов, Ш. Джалалов. Коррупцияга қарши курашишда комплаенс назорат тизимининг роли

ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Ж. Алимджанов. Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг макроиқтисодий жиҳатлари

БАНК ФАОЛИЯТИ

Ф. Мавлонов. Ўзбекистон тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш

БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ

Т. Пардаев. Божхона тўловларидан бериладиган имтиёз ва преференцияларни қўллаш истиқболлари

БОЖХОНА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ

Н. Мирзаев. Божхона хизматларининг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурати

БОЖХОНА ИСЛОҲОТЛАРИ

М. Каримжонова. Божхона аудитида импорт товар-моддий захиралар ҳисоби ва ҳисобот ҳужжатларини текширишнинг айрим жиҳатлари

№10 (281)

БАНК ФАОЛИЯТИ

Ҳ. Аминов. «Madad Invest Bank» мижозлар хизматида

МАКРОЭКОНОМИКА

Х. Ибадуллаев, А. Алиев. Рост кредитования и макроэкономическая стабильность в Республике Узбекистан: выводы на основе BVAR моделей

БАНК ФАОЛИЯТИ

О. Бутаев. Ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш қамрови кенгаймоқда

М. Қурбонов. Тижорат банкларида филиаллар тармоғи самарадорлигини баҳолашда КРІ услубиётини жорий этиш йўллари

МОНЕТАР СИЁСАТ

А. Абдуллаев. Пул-кредит сиёсати инструментларининг банк ликвидлигини тартибга солишга таъсири

СОЦИАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА

У. Нарзуллаева. Человеческий капитал как стратегическое направление в борьбе с бедностью в Узбекистане

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

Б. Бегматов, Ж. Мирзахмедов. Меҳнат шароитлари бўйича иш ўринлари аттестацияси – меҳнат хавфсизлиги ва ижтимоий ҳимоя гарови

М. Бекбаев. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида рақамли технологиялар

МИКРОИҚТИСОДИЁТ

Г. Шадиева. «Оила хўжалиги»нинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, уни ривожлантириш ва фаровонлигини оширишнинг концептуал йўналишлари

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА

Д. Нарзуллаева. Совершенствование системы государственного управления

и цифровизация экономики Узбекистана

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Б. Тўраев. Ўзбекистон иқтисодиёти учун таркибий ислохот кўрсаткичларининг таҳлили ва аҳамияти

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ

А. Тўраев, Х. Абдуллаев. Халқаро амалиётда ички аудиторлик текширувлари

МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА

А. Рустамов. Как повлияла «Торговая война» между США и Китаем на мировую торговлю и глобальную экономику?

№11 (282)

ИННОВАЦИЯЛАР

Quant – вақт ва нақд кадрига етганлар учун

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

Г. Бақоева. Ўзбекистон фонд бозорида IPO (акциянинг бирламчи жойлаштирилуви) амалиётини қўллашда хориж тажрибаси ва деривативлардан фойдаланиш имкониятлари

ЗАНЯТОСТЬ НАСЕЛЕНИЯ

С. Воронин, Д. Угай. Роль самозанятых в национальной экономике: первые результаты действия новых стимулов

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Ўзини ўзи банд қилишнинг моҳияти

МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИ

С. Юсупов. Тўқимачилик корхоналарида маркетинг фаолиятини бошқариш самарадорлиги

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ

И. Ниязметов. Ўзбекистонда кўчмас мулкни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ

А. Тўраев, Р. Ҳайдаров. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш

ЦИФРОВИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ

А. Шермухамедов, Д. Нарзуллаева, Д. Абдуллаева. Цифровая экономика, технология блокчейн, криптовалюта. История, современное состояние и перспективы

ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Д. Усманова. Кредит рейтингларининг Ўзбекистон Республикаси инвестицион иқлимига таъсири

ИННОВАЦИЯЛАР

А. Тўраев, Х. Абдуллаев. Ўзсаноатқурилишбанк: янги хизматлар – янги имкониятлар

Получение займа в России возможно без гражданства РФ

Олтин бозори ва унинг нархлари

ИСЛОМ МОЛИЯСИ

Исломда ижара (лизинг)нинг асосий қоидалари

Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

БПК

БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ

РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ

Ежемесячный экономический научно-практический журнал



Обуна индекси: **853**

Сизни қизиқтирган барча саволларга таҳририятнинг куйидаги телефон рақамлари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин:

(+998)71-234-91-13;

(+998)94-677-78-04

«БПК» журналига 2021 йил учун обунани бугуноқ расмийлаштиринг. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва молия, уларнинг ривожланиши ва истиқболлари борасида бир қадам олдинда юринг!

ОБУНА УШБУ ТАШКИЛОТЛАР ОРҚАЛИ
РАСМИЙЛАШТИРИЛСА, ТАҲРИРИЯТ ЖУРНАЛНИ
ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ:

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**

АЖ «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»
ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИДА
АЖ «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИДА

БУХОРО ВИЛОЯТИ

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

«МАТБУОТ TONGI» МЧЖ – 91-599-58-98

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

«СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ» – 97-277-27-72

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

«SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ – 91-586-70-00

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«KALEON INFORM» МЧЖ – 71-267-18-94

«ТОШКЕНТ МАТБУОТ МЕДИА» – 97-156-22-77

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

«ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ» – 97-922-02-33

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ,

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ,

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

«САЙЁР – 2017» МЧЖ – 99-990-61-01

Хизматлар лицензияланган



www.bpk.uz


ОКРУЖИМ ДОВЕРИЕМ И ЗАБОТОЙ




Приложение Milliy

Доступно в
App Store

Доступно в
Google Play

 [uznbu](#)

 [nbu_official](#)

+998 78 148 00 10



Услуги лицензированы